Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 61 (21. 180) 1992 йил 26 март, пайшанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

• КЎКЛАМ—МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ



Бугунги ҳаракат — эртанги баракат, деганларидек айни кунларда кўчат ўтқазиш билан бир қаторда унинг парваришига эътибор қилиш жуда муҳим. Боиси бу тадбирни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш эртанги дастурхонимизнинг тўкинлигини таъминлайди. Жумҳуриятимиз боғбонлари қаторида Наманган райони соҳибкорлари ҳам янги боғ ва узумзорлар барпо этиш, кўчат ўтқазиш ойлигини намунали ўтказмоқдалар. Бу борада айниқса «Миришкор — 2» кўчат етиштириш бўлими ходимларининг иши таҳсинга сазовордир.

Сиз кўриб турган суратдаги бу киши шу ерда 10 йилдан бери меҳнат қилади. Бу давр мобайнида уста соҳибкор турли кўчатлар етиштириб бўлимда меваз0р боғлар ташкил этишга салмоқли ҳисса қўшди. Мана, Абдуғаффор ака Самиев пайвандлаш учун навлар ҳозирлаяпти.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ҒАЛЛА МЎЛ БЎЛАДИ

«Малик» — Сирдарё районидаги йирик хўжаликлардан бири. Республика Президентининг қишлоқ аҳолисини дон маҳсулотлари билан таъминлаш чоралари тўғрисидаги Фармонига биноан ғаллачиликни кескин ривожлантириш чоралари кўрилаётир. Шу боис кузда биринчи марта хўжалик бўлимларидаги энг унумдор ерларнинг 151 гектарига буғдой экилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу йилги об-ҳаво ғаллачилик учун қулай келмоқда. Шунинг учун хўжалик деҳқонлари бу йил камида 450—500 тонна буғдой олишга умид қилмоқдалар. Шуҳрат Маликов, Сулаймон Муҳамедов, Мўмин Қурбоновлар бош бўлган ғаллачилик бригадаларида ниҳоллар яхши ривожланмоқда. Бу жамоалар ҳосилдорликни гектар бошига 30—35 центнерга етказишни мўлжалламоқдалар. Хўжаликда ғалла ўримига ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Комбайнлар ва бошқа техника воситалари таъмирланаётир.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚЎЗИ КЎПАЙСА— ҚЎЙ КЎПАЯДИ

Бойсунлик Ҳақназар Ҳаққуловга таниш-билишлари «Сиз оқсоқол, Сурхондарёнинг 4 минг қўйли бойисиз», деб ҳазиллашишади. Бу аслида бор гап. Қирқ йилдан буён қўй боқиб келаётган Ҳақназар ака ҳозир «Бойсун» давлат хўжалигида 3,5 минг қўйни ижарага олиб боқмоқда. Ёрдамчилари ўзининг хешлари, қариндошлари.

Ижарачилар тўл мавсумини яхши ўтказишяпти. Режа — ҳар юз бош совлиқдан 107 тадан қўзи олиш. Мақсад — ана шу қўзиларнинг 70—80 фоизини ўстиришга қолдириш.

Умуман вилоятнинг кенг яйловларида бу иш ёмон кетмаяпти. Сурхондарёлик чўпонлар бу йил совлиқлардан 270 минг қўзи олиш нияти билан ишламоқдалар.

МАККАЖЎХОРИ ЭКИЛМОҚДА

Жарқўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалиги деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб маккажўхори экишга киришдилар. Хўжаликнинг А. Худойбердиев бошлиқ бригадаси 20 гектар ерга уруғ қадаб бўлди. Бошқа жамоаларда ҳам бу иш кўнгилдагидек олиб борилмоқда.

Дарвоқе, хўжаликнинг Ражаб Мусурмонов бошлиқ бригадаси деҳқонлари 20 гектар ерга экилган лавлагини ундириб олишди.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Мавсум яқин

ПИЛЛАКОРГА МАДАД ДАРКОР

● Бу йилги пилла мавсуми ҳаммамиз учун бутунлай янги бўлган бозор иқтисодиёти ҳукм сураётган даврга тўғри келяпти. Лекин пилла қурти боқиш мавсумини ўтказиш ва унда иштирок этиш машаққатини ҳар ким ҳам идрок эта олмайди. Бугун пиллакорларга меҳнатига яраша баҳо берилиши жуда муҳим. Бу уларни астойдил тер тўкиб ишлашга ундайди.

Собиқ Иттифоқда пилла етиштиришнинг 60 фоиздан ортиқроғи Ўзбекистон жумҳурияти ҳисобига тўғри келганди. Демак, пилла етиштиришнинг асосий қийинчилиги Ўзбекистон зиммасига тушгани аниқ. Ўзбекистон жумҳурияти шунингдек, Ўрта Осиё жумҳуриятлари пилласи энг паст нархда қабул қилинар эди.

1991 йилга келибгина пилланинг харид нархи оширилди. Лекин, ҳозирги кунда бу ҳам бозор иқтисодиёти талабига жавоб бермайди. Айнан шу масалани яна қайта кўриш мақсадга мувофиқдир. Чунки, пилла етиштиришнинг ўзига яраша бир қатор қийинчиликлари мавжуд. Масалан, олинган (бир қути) 19 грамм ипак қуртидан ўртача 65—70 килограмм ҳосил етиштирилади. Демак бир оиладаги тўрт-беш киши тунни тонгларга улаб бир ой давомида тинмай меҳнат қилади. Бу пилла мавсумида юзлаб оилалар кеча-ю-кундузни беҳаловат ўтказади, деган гап.

Тўғри, ўтган йили жумҳуриятимизда пилланинг харид нархи оширилиб, қуйидагича: аъло сорт — 25 сўм 80 тийин, биринчи сорт — 24 сўм, иккинчи сорт — 20 сўм, учинчи сорт — 17 сўм, қора пачоқ — 40 тийиндан 20 тийингача белгиланди.

Район бош пиллахонаси томонидан хўжаликларга оширилган нархда бир килограмм пилла учун ўртача 18 сўм 53 тийиндан пул ўтказилди. Хўжаликлар ўз имкониятини ҳисоблаб, пиллакорларга келтирилган даромаднинг 65 — 70 фоизи ҳисобида ҳақ тўлади. Масалан, Раъно Худойбердиева хонадонида бир қутидан 65,5 килограмм ҳосил етиштирилди. Ҳар бир килограмм учун улар 10 сўм 40 тийиндан ҳақ олишди. Бу оила жами 687 сўм даромад олди. Хонсулув Жумабоев хонадони 40 грамм (икки қутидан кўп) ипак қурти боқиб 97 килограмм ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. Бу хонадон соҳиблари етиштирган ҳар килограмм маҳсулоти учун 12 сўм 02 тийиндан, жами 1165 сўм даромад олди. Ушбу ҳақ тўлаш ҳамма хўжаликларда шу тартибда ўтказилди. (Албатта, у пайтда бир килограмм пилла етиштириб, бир килограмм гўшт харид қилиш мумкин эди-да).

Илгари пиллага ҳақ тўлаш ҳам марказ тасарруфида эди. Эндиликда бу масала жумҳуриятнинг ўзида ҳал қилинадиган бўлди. Шундай экан пиллакорларнинг машаққатли меҳнати ҳимояланадиган вақт келди.

Ҳозир бизнинг Бекобод район пиллакорлари 200 тонналик кумуш тола хирмонини бунёд этиш учун керакли чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Бу йилги мавсумда райондаги 2700 дан ортиқ хонадонга ипак қурти тарқатилади. Шунча хонадон мавсумда ўзи яшаб турган уйини бўшатишга мажбур. Мавсумдан сўнг пилла боқилган уй яроқсиз ҳолга келиши турган гап. Бу уйлар ремонт талаб бўлиб қолади. Афсуски, ремонт ишлари ўша хонадонлар зиммасида. Бу муаммо нафақат бизнинг районимизда, балки бутун жумҳуриятда ҳам ҳал этилганича йўқ.

Бундан ташқари, эркин нархларнинг жорий этилиши натижасида ипак қурти боқиш учун зарур бўлган кўмир, қоғоз, термометр, психрометр, печка, этажерка, харид қилиш ҳам қийинлашиб боряпти. Бу муаммоларни бартараф этишда пиллакорларга мадад даркор.

А. СУЛТОНОВ,
Бекобод район бош пиллахонаси директори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚА МИЛЛИЙ УЮШМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги тўғрисидаги декларация қоидаларига асосланиб, халқаро алоқалар кенгайганини ҳисобга олиб, хорижий мамлакатлар билан жамоатчилик алоқалари фаолиятини жамлаш ва тартибга солиш, ягона сиёсатни шакллантириш ва халқ дипломатиясини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти ҳамда хориждаги ватандошлар билан алоқа жамиятининг шу ташкилотлар негизида Ўзбекистон Республикасининг халқаро маданий-маърифий алоқа миллий уюшмасини тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Маданият, оммавий ахборот воситалари ва саёҳат мажмуи (ўртоқ Э. Самандаров) икки ҳафталик муддатда манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг халқаро маданий-маърифий алоқа миллий уюшмаси тузилмасини ҳамда низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 25 март.

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ

Бухоро вилоят аҳолисини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашни яхшилаш, ишлаб ниқариш корхоналари, заводлар ва фабрикалар, қурилиш, транспорт, алоқа, энергетика тармоқларининг бир меъёрда ишлашини таъминлаш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко нутқ сўзлади.

(ЎзА мухбири).

• МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДАГИ ҲАМКОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

СУВ—БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

БИЗНИНГ МИНТАҚАМИЗДА ОБ-ҲАЁТНИНГ ҚАТРАСИДАН ҲАМ ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНГАНЛАРНИНГ ИШИ БАРОРИДАН КЕЛАДИ

● Сув Урта Осиё минтақасида шундай ноёб бойликки, кейинги даврларда буни кўп ҳолларда қадрламадик. Дарёлар ва анҳорлар сувидан фойдаланишда кўп ҳолларда исрофгарчиликка ҳамда хўжасизликка йўл қўйилди. СССР деб аталмиш собиқ давлат шароитида сув умумий бойлик деб гина қаралди. Бундай умумийлик қатор муаммоларни келтириб чиқарди ва деҳқончиликда, айниқса қурғоқчилик йилларида кўп мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлди.

Эндиликда давлатлар мустақиллиги шароитида сувдан фойдаланишдаги хўжасизликка барҳам бериш, давлатлараро сув манбааларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги вазири Р. А. ГИНЯТУЛЛИН билан суҳбат шу масалани ойдинлаштиришга қаратилди.

— Рим Абдулович, замонанинг зайли билан собиқ СССР парчаланиб кетди. Унинг ўрнида мустақил давлатлар пайдо бўлди. Шундай шароитда илгари умумий бўлган сув заҳираларидан фойдаланишда қандай тартиб-қонда амал қилади?

— Сув — ҳаёт манбаи. Ундан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш замони келди. Ўрта Осиёдаги сув тақчиллиги давлатлараро сув манбааларидан эндиликда бамаслаҳат, ўзаро келишган ҳолда фойдаланиш масаласини ўткир қилиб қўймоқда. Об-ҳаётдан фойдаланишдаги бошбошдоқлик ва масъулиятсизлик ёмон оқибатларга олиб келишини Ўрта Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар ҳамда Қозоғистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги хизмати раҳбарлари обдон мулоҳаза қилиб кўрдилар. Бу масаланинг аҳамияти ва мураккаблигини тушуниб етдилар.

Шу йилнинг 18 февралида Қозоғистон Республикаси пойтахти Олмаота шаҳрида минтақадаги давлатлараро сув заҳираларини биргаликда бошқариш ва муҳофаза қилиш юзасидан аҳдлашувга келишилди. Аҳднома ҳужжатини Ўрта Осиё республикалари ҳамда Қозоғистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлари имзоладилар.

Ҳужжатда сув манбаларидан оқилона фойдаланишга, сув заҳираларини муҳофаза этишда минтақадаги барча давлатлар тенг ҳуқуқли ҳамда баравар масъулиятга эга эканликлари кўзда тутилди. Ҳар бир республика ўз ҳудудида аҳдномага амал қилиш мажбуриятларини олди. Жумладан, аҳдлашувчи томонларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш, сувдан фойдаланишда бир-бирига зиён етказмаслик, сувдан фойдаланиш ва унинг заҳираларини ифлослантирмаслик ҳақида Аҳднома-да кўзда тутилган талабларга оғишмай амал қилиш мажбуриятлари назар-эътиборда тутилади, деб келишиб олинди.

Томонлар сувни исроф қилмаслик, бу бебаҳо бойликдан самарали, оқилона фойдаланиш хусусида, шунингдек экология муаммолари, Орол денгизига ҳар йили зарур миқдорда сув ўтказиб туриш ҳақида бамаслаҳат бир фикрга келдилар. Бундан ташқари сув хўжалиги ва халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган янги иншоотлар лойиҳаларини экспертизалаш ҳамда тармоқдаги масалаларни илмий-техникавий жиҳатдан биргаликда тадқиқ этиш хусусида маслаҳатлашиб, бир фикрга келинди.

— Билишимизча, бу — катта ҳажмдаги мураккаб иш. Ана шу ишларни мувофиқлаштириб бориш масалалари билан қайси ташкилотлар шуғулланади? Бошқачароқ айтганда, сув заҳираларидан оқилона фойдаланишга кимлар масъул?

— Давлатлараро сув манбааларини экология жиҳатидан муҳофазалаш, об-ҳаётдан омилкорлик билан фойдаланиш, сув тақсимлаш масалалари юзасидан махсус комиссия тузишга қарор қилинди. Сув манбаларини давлатлараро бошқариб туришдан иборат обрўли комиссия таркибига сув хўжалиги ташкилотларининг биринчи раҳбарлари ҳам киритилади.

Комиссия мажлислари навбати билан мустақил давлатларнинг пойтахтларида ўтказиб борилади. Мажлисларни шу давлат раҳбарлари бошқариб борадилар.

Мувофиқлаштирувчи комиссия зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган. Жумладан, мувофиқлаштирувчи комиссия аъзолари минтақадаги сув хўжалиги сиёсатини аниқлаб берадилар. Бунда сув заҳираларидан унумли фойдаланишда вужудга келган халқ хўжалиги тармоқларининг барча эҳтиёжлари назар-эътиборга олинади. Шунга қараб иш тутилади. Минтақада сув масалалари дастурини амалга ошириш истиқболлари билан конкрет шуғулланилади.

Бундан ташқари минтақадаги у ёки бу республиканинг йиллик сув истеъмол қилиш лимитлари ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади. Сув омборларидаги ишларнинг мароми тартибга солиб борилади. Сув омборларидаги обҳаётнинг истиқболларига оид кузатишлар ва бошқа тадбирлар ишлаб чиқилади, сув хўжалиги тизимидаги аҳволнинг амалдаги шарт-шароитлари ҳисобга олиб борилади.

— Назорат комиссиясининг ижрочилари ким ва улар амалда нима ишлар билан шуғулланишади?

— «Сирдарё» ва «Амударё» ҳавзалари сув хўжалиги бирлашмалари давлатлараро назорат органи томонидан ижрочилар қилиб белгиланди. Улар ҳақиқий вазиятга қараб фаолият кўрсатадилар. Барча иншоотлар ҳамда дарёлар-сув манбаларининг фаолияти уларнинг назорати остида бўлади. Ана шу сув хўжалиги бирлашмалари барча об-ҳаёт манбаларини бошқариб турадилар. Аслини олганда, у ёки бу республикага сув манбалари вақтинча фойдаланиш мақсадида бириктириб қўйилади.

Сув хўжалиги бирлашмалари республикаларнинг сув таъминоти органлари ихтиёрида бўладилар ва улар шу ташкилотлар томонидан таъминланадилар. Бошқача айтганда, ҳар бир республика сув хўжалиги бирлашмаларига улуш миқдорида пул ўтказиб турадиқ. Уларнинг фаолияти шу тариқа барқарор бўлиши ва самаралар келтириши мўлжаллаб қўйилган.

Мувофиқлаштириб борувчи комиссия ва унинг жойлардаги органлари сувдан фойдаланиш лимитларига, сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш талабларига, барча дарёлар ҳамда суғориш тармоқларига (улар кўзда тутилган жойларда) бир миқдорда об-ҳаёт ўтказиб туриш, сувдан фойдаланиш лимитларига қатъий амал қилишни таъмин этишга масъулдирлар. Шу билан бирга, дарёлар ўзанларига ва Орол денгизига кафолатланган ҳажмда сув бериб туриш мақсадида ҳам ғамхўрлик қиладилар. Улар экология ҳолатини соғломлаштириш ҳамда сувнинг сифатини таъмин этиш масалаларида ҳам фаолият кўрсатади.

— Борди-ю, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ўртасида тузилган аҳдномани адо этишда баҳсли масалалар пайдо бўлиб қолса, уни ким ҳал этади?

— Барча баҳсли масалаларни республикалар сув хўжалиги ташкилотлари раҳбарлари ҳал этишига рухсат берилди. Зарурат туғилиб қолган пайтда бу ишни ҳал этишда томонларнинг ҳолис вакиллари иштирок этишлари ҳам мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси шу йил март ойида Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари сув хўжалиги органлари раҳбарлари томонидан об-ҳаёт заҳираларини тежаб-тергаб ишлатиш, сув манбаларини биргаликда бошқариб бориш ҳақидаги Аҳдномани маъқуллади.

Аҳднома талабларининг республикамиз ҳудудида бажарилишини назорат қилиш Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасида бўлади.

Вазирликлар, маҳкамалар, ташкилотлар, корхоналар ва барча сувдан фойдаланувчиларга ушбу Аҳднома талабларига оғишмай риоя этиш вазифаси юклатилди.

Мабодо, мазкур масалаларда баҳсли-мунозарали масалалар юз бергудек бўлса, бир қарорга келиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига топширилди.

Суҳбатдош
Жўра ХОЛҚОСИМ ўғли.

• ХДП: асосий ишлар

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ—МУНОЗАРА МАВЗУИ

24 март куни Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида республика халқ депутатлари, таниқли ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи ходимлар, ХДП Марказий Кенгашининг котиблари М. М. Расулов, А. Х. Саидов «Ўзбекистон республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)ни тайёрлашнинг энг муҳим масалалари» мавзуида муаммоли мунозарага йиғилишди. Унда Конституция лойиҳаси давлат мустақиллиги, ижтимоий тузум, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги ва халқаро мавқеининг шаклланишига ўтиш давридагина эмас, балки давлатимиз ва жамиятимиз барқарорлигини ҳам ифода этиши керак эканлиги таъкидланди. Амалдаги Конституцияга ўзгартишлар киритувчи Конституция Қонуни зарурлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу эса мамлакатимиз бошдан кечираётган даврга мувофиқ бўлишини ва янги Конституцияни қабул қилгунга қадар юксак инсоний, ҳуқуқ-тартиботни ва давлат ворислигини таъминлаш имконини беради.

Бўлиб ўтган мунозара якунлари бўйича тахлилий материални Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)ни ишлаб чиқиш бўйича комиссияга топширади. Конституция жараёни тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ва мунозара хулосалари келгуси ҳафтада кенгайтирилган тарзда эълон қилинади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қайси партияга мансублигидан қатъи назар барча фуқароларни Ўзбекистон халқининг туб манфаатларига жавоб берадиган янги Конституцияни ишлаб чиқиш йўллари ва унинг мундарижаси ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларига таклиф қилади.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ ЁРДАМ ЖАМҒАРМАСИГА

ЖАМОА САХОВАТИ

Урганч ёғ-мой комбинати — Хоразм индустриясининг қалдирғочи ва айни пайтда энг йирик корхоналаридан бири. Ўтган йили шонли юз йиллигини нишонлаган комбинат ҳар кеча-кундузда 800 тоннадан ортиқ чигитни қайта ишлаб бермоқда. 170 тонна ёғ, 60 тонна кирсовун, кўплаб кунжара ва шелуха тайёрлаб чиқаряпти.

Комбинат жамоаси ўтган йили қатор қийинчиликларга қарамай катта ютуқларга эришди. 160 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлаб, асосий режаларни муваффақиятли адо этди. Пландан ташқари 8 миллион 294 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Комбинат 3 миллион 425 сўмлик фойда кўрди.

Пешқадам жамоа маъмурияти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилоти, касаба уюшмаси қўмитаси ишчи-мутахассисларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Бу, ютуқлар омили бўляпти. Ҳозир ўртача ойлик 1000 сўмга етказилди.

Ўтган йили корхонанинг рағбатлантириш жамғармаси 1 миллион 268 минг сўмдан ҳам кўпроқни ташкил этган эди. Шу маблағнинг 68 минг сўми ишчи-мутахассисларга 13-иш ҳақи тарзида, 210 минг сўми мукофот тариқасида, 211 минг сўми ойликка қўшиладиган товон деб берилди. Кам даромадли, якка-ёлғиз ҳамда комбинатда узоқ йиллар ишлаб ҳозирги пайтда кексайиб қолган 56 нафар фахрийга қўшимча 25 минг сўм нафақа тўланди.

Корхона ўзининг 28 гектарлик ёрдамчи хўжалигига эга. Бу ерда 600 бошга яқин қўй, қариб 200 бош қорамол боқилмоқда. Бу, ишчи-хизматчиларни ҳар байрамда арзон гўшт билан таъминлашга имкон берянти. 8 Март байрами муносабати билан хотин-қиз ишчиларга 3 килограммдан, Наврўз муносабати билан эса ҳаммага 2 килограммдан арзон гўшт, 30 тонна гуруч сотилди.

— Бу йилги режаларимиз ҳам катта, — дейди комбинат директори, Ўзбекистон халқ депутати, Ўзбекистон ХДП аъзоси Тельман Мусаев. — Тайёрлаб чиқарадиган товар маҳсулотимиз 159 миллион сўмликни ташкил этади. Йил давомида 22 минг 230 тонна оқланган ёғ, 12 минг 700 тонна кирсовун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Биринчи квартал топшириқларини ошириб уддалаш омилларини ишга солямиз. Меҳнат беллашувида Ёқуббой Полвонов, Гулнора Рўзиматова, Аҳмад Бойжонов, Рўзим Ҳасанов, Гулпошша Хўжаниёзова сингари ўнлаб моҳир ишчиларимиз ибрат кўрсатишмоқда.

Жамоамизда «Ўзбекистон овози» рўзномасини мунтазам ўқиб борадиган муштарийлар кўп. Биз унинг саҳифаларида бир неча жамоанинг рўзномага ҳомийлик қилишга, иқтисодий танглик, қоғоз танқислиги шароитида таҳририятга ёрдам беришга аҳд қилганидан хабар топиб, баҳоли қудрат ҳиммат кўрсатсак, деган фикрга келдик. Рўзнома ҳисобига 50 минг сўм ўтказишга қарор бердик.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

ҚАДАМЛАР ДАДИЛ, ЛЕКИН...

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Нишон район кенгаши ижроия бюроси мажлисида партия аъзоси бўлган халқ ноибларининг фаолияти масаласи муҳокама қилинди. «Нишон» давлат наслчилик заводи бошланғич ташкилоти котиби Али Турсунов ва Нишон қишлоқ Кенгаши раиси Йўлдош Шерғозиевларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Бир қарашда бошланғич партия ташкилоти бу борада анчагина ишларни амалга оширгандай туюлади. Қоғозда ҳамма нарса рисоладагидай қайд этилган, лекин бошланғич ташкилотнинг ноиб бўлган партия аъзолари билан ишлаётгани йўқ. Тўғри, раҳбар партия аъзолари, хусусан, директор, касаба уюшмаси ташкилотлари етакчиларининг сайловчилар билан учрашувини ўтказиш тадбирлари ўз вақтида амалга оширилмоқда. Наказларни бажариш ҳам назоратда, депутатлар қабулхонаси ҳамиша очиқ.

Лекин оддий партия аъзоларичи? Масалан, маҳаллий Кенгаш депутатларидан Х. Ғозиев, О. Панжаев, Р. Назаров кабиларни пассив деб бўлмайди. Улар ҳар бир ишда фаоллик кўрсатиши, партия аъзоси деган юксак номга бурч ва масъулиятни англаган ҳолда сазовор бўлиши мумкин. Лекин уларга ҳам осон тутиб бўлмайди. Негаки, 60—70 километрлаб олис яйловдан уларни марказга олиб келиб сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш, наказларни қандай бажараётганликларини суриштириш билан қишлоқ Кенгаши шуғулланаётгани йўқ. Натижада эса раҳбар ноиб билан оддий ноиб ўртасида «хитой девори» пайдо бўлмоқда.

— Бунга ўзимиз ҳам айбдормиз, — деди Нишон район партия кенгашининг биринчи котиби Исмат Мўминов. — Депутатлардан иборат партия гуруҳи фаолиятини жонлантира олганимиз йўқ. Зеро, партия гуруҳлари йиғилишларида ҳаёт ўртага қўяётган долзарб масалаларни муҳокама қилишимиз керак. Ёшлар ташкилоти ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш учун район партия кенгаши фаоллари, йўриқчилар, бошланғич ташкилотлар котиблари нуфузини ошириш, уларнинг ҳамиша одамлар орасида ишлашини таъминлаш зарур.

Ижроия бюро мажлисида ХДП сафларини кенгайтириш, янги қабул қилинган партия аъзоларининг ишчанлигини ошириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Тегишли аниқ қарорлар қабул қилинди. Албатта, бу ўз самарасини бермоқда. Жойларда 47 та бошланғич партия ташкилоти тузилди. Қисқа вақт ичида партия аъзолари сони 1600 нафарга яқинлашди. Биргина ўтган ойда ХДПга аъзо бўлиш учун 40 га яқин киши ариза берди.

Бошланғич ташкилотлар ўз сафларини кўпайтиришни кўзлаб дуч келган одамни партия аъзолигига қабул қилаётгани йўқ. Аксинча партия йиғилишларига жамоалар оқсоқоллари ҳам таклиф қилиняпти, бўлажак партия аъзолари тўғрисида уларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинаяпти.

Илгари собиқ компартия даврида мансаб, янги лавозим курсисига ўтиришни кўзлаб партияга кирувчилар кўп бўлган. Шу боис бундайлар партияга қабул чоғида ўзларини гўё катта имтиҳон топшираётгандай ҳис этардилар. Нафсламбирини айтганда, ўшанда райком ва шаҳар партия комитетларида партияга кираётган ҳар бир киши чиғириқдан ўтказиларди ҳам. Янги партиянинг эшиги эса ҳамма учун очиқ. Лекин унинг аъзоси бўлишдек шарафли номга ХДП Дастури ва Низомидан келиб чиққан ҳолда мустақил Ўзбекистон истиқболи учун ҳалол ва фидокорна меҳнати билан сазовор бўлиш мумкин.

Ҳозир вилоят Кенгаши ноибларининг 60 фоизи, район Кенгаши ноибларининг 74 фоизи, қишлоқ Кенгаши ноибларининг 48 фоизини ХДП аъзолари ташкил этади. Лекин бу етарли эмас. Ҳозирги иқтисодий танглик даврида халқ турмуши даражасини оширишда ноиблар фаолиятини кучайтириш, уларнинг сафини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нишон район партия кенгаши фаоллари омма орасига дадил кириб бормоқдалар. Жойларда бошланғич партия ташкилотлари кунлари ташкил этилди. Албатта, бу ҳозирги кун учун катта янгилик бўлмасада, ўз самарасини бераётир. Район кенгаши йўриқчиларидан Б. Худойқулов, Н. Ўткирова, М. Товбаев, Т. Андреева кабилар ўзларига биркитилган бошланғич партия ташкилотларига тез-тез бориб, уларга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Омма ўртасида иш олиб бориш самараси кўзга яққол ташланяпти. «Дўстлик», «Пахтаобод», «Туркманистон», Чўли Бегимқулов номли давлат хўжаликлари жамоаларида ХДПнинг нуфузи тобора кўтарилиб боряпти.

Нишон район партия кенгаши фаолиятида ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бор. Чунончи, қишлоқлар ва маҳаллаларда ҳududий партия ташкилотларини тузиш сust боряпти, борлари ҳам дадил ишга кириша олмаяпти. Зиёлилар ҳисобидан партия сафларини ўстириш талаб даражасида эмас, партиявий ишдаги мавжуд яхши тажрибаларни оммалаштириш эътибордан четда. Ҳолбуки эндиликда киритилган озгина муваффақият билан кифояланиб қолмай, партия ташкилоти нуфузи, обрўэътиборини кўтариш учун омма орасида янада фаолроқ ишлаш талаб этилмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Бўз районидаги М. Жалолов номли давлат хўжалиги меҳнаткашлари энди донни торттириш учун бошқа хўжаликларга қатнаб юрмайдилар. Хўжаликнинг марказий қўрғонида ўзларининг электрлашган комплекс тегирмонлари ишга тушди. Бир соат мобайнида бу ерда уч тонна ун, бир тонна шолини оқлаб, 800 килограмм пахта ёғи тайёрлаш имконияти бор.

Суратда: хўжалик ишчиси Собиржон Назиров (чапда) тегирмончи Рафиқ Тофиқов тозалаётган гуручнинг сифатидан мамнун.

Ш. АЛИМОВ олган сурат (ЎзА).

• **ПАРТИЯ АХБОРОТИ**

СЕМИНАР-КЕНГАШ

ХДП Тўрткўл район кенгаши бошланғич ва цех партия ташкилотлари котиблари, партия гуруҳлари етакчиларининг семинар-кенгашини ўтказди. Район партия кенгаши биринчи котиби Е. Рўзимбетов семинарда бошланғич партия ташкилотларининг вазифалари нималардан иборат эканлиги тўғрисида маъруза қилди. Ип йигирув ва тўқимачилик фабрикаси партия ташкилоти котиби В. Шашина, «Намуна» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Х. Хўжаев, Беруний номли маҳалланинг ҳудудий партия ташкилоти котиби Г. Сейтниёзова ва бошқа партия етакчилари партия ички ишларини ташкил қилиш, партия сафини ўстириш, ҳудудий бошланғич ташкилотларда олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар, тажриба алмашдилар.

НОИБЛИК ҚАБУЛХОНАСИДА

Тўрткўл район партия кенгашида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ депутатларининг ноиблик қабулхонаси иш бошлади. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ноиби, партия гуруҳининг раҳбари, Димитров номли жамоа хўжалиги раиси А. Абдукаримов ишлаб чиққан график ижроия бюро мажлисида тасдиқланди. Ҳозир ана шу график асосида халқ ноиблари ҳафтанинг икки кунида район фуқароларини қабул қилмоқдалар. Қорақалпоғистон халқ депутати — «Намуна» жамоа хўжалиги раиси У. Юсупов ариза билан келган кишилар билан суҳбатлашди. Тегишли жойларга депутатлик сўровларини жўнатди. Орадан саккиз кун ўтгандан сўнг У. Юсупов шикоятчиларга аризаси натижасини билдирди. Бу ерда шунингдек, фуқароларнинг ариза ва шикоятларига жавоб қайтариш учун район халқ судьяси, молия ходимлари ва бошқа идораларнинг раҳбарлари ҳам таклиф қилинмоқда.

ГУРУҲЛАР ТУЗИЛДИ

Тўрткўл район партия кенгаши ХДП аъзоси бўлган халқ ноиблари ўртасида партия гуруҳлари тузишни ниҳоясига етказди. Ҳозир бу ерда 15 та партия гуруҳи иш олиб бормоқда. Уларнинг низоми ишлаб чиқилган. Партия гуруҳлари район шаҳар ва овул Кенгашлари сессиялари кун тартибига қўйилаётган масалалар, шунингдек, доимий комиссияларга киритиладиган масалалар муҳокамасида фаол қатнашиш учун олдиндан тайёргарлик кўрмоқдалар, фикр ва мулоҳазаларини, таклифларни биргаликда ишлаб чиқмоқдалар. Айниқса бу соҳада Оққамиш, Ёнбошқалъа, Тозабоғёб овул Кенгашлари қошидаги партия гуруҳлари намунали иш олиб боряпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА КАПИТАЛ МАБЛАҒЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЎЗАРО ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати (қуйида «аҳдлашувчи томонлар» деб аталувчилар),

адҳлашувчи бир томоннинг бошқа аҳдлашувчи томон ҳудудидаги инвестор капитал маблағларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва қулай шароит яратиш мақсадида;

суверенитет, тенглик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик принципларига асосланиб, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида;

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Мазкур битим мақсадларини кўзлаб:

1. «Капитал маблағ» атамаси капитал маблағни қабул қилувчи аҳдлашувчи томон ҳудудига сарфланган капитал маблағларни унинг қонунчилигига мувофиқ, жумладан, қуйидагиларни ўз ичига олган мулкий бойликларнинг ҳамма турларини билдиради:

а) ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз мулк, мулкий ҳуқуқлар;

б) корхоналар ва компанияларда иштирок этиш акциялари ва бошқа шакллари;

в) пул маблағлари ва иқтисодий қимматга эга бўлган бошқа ҳар қандай мажбуриятлар бўйича талаб қилиш ҳуқуқи;

г) муаллифлик ҳуқуқи, саноат мулки, «ноу-хау» ва технология ҳуқуқлари;

д) табиий ресурсларни разведка қилиш ва фойдаланишни амалга ошириш ҳуқуқини ҳам ўз ичига оладиган қонунчилик ёки шартномаларга мувофиқ тақдим этиладиган иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи.

2. «Инвестор» атамаси аҳдлашувчи томонларга нисбатан қуйидагиларни билдиради:

— шу аҳдлашувчи томонларнинг қонунчилигига мувофиқ уларнинг фуқароси бўлган жисмоний шахслар;

— шу аҳдлашувчи томонлар ҳудудида амал қилувчи қонунчиликка мувофиқ барпо этилган корхоналар ва компаниялар;

— физик шахс, корхона ёки компания шу аҳдлашувчи томонларнинг қонунчилигига мувофиқ бошқа аҳдлашувчи томон ҳудудида капитал маблағ сарфлашни амалга оширган тақдирда.

3. «Даромадлар» атамаси капитал маблағ сарфлаш натижасида олинган суммани, жумладан, лекин бенистисно фойда, дивидентлар, процентлар ва лицензия мукофотларини билдиради.

4. «Ҳудуд» атамаси қуйидагиларни бидиради:

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва Хитой Халқ Республикаси ҳудуди.

2-модда

1. Аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири капитал маблағ сарфлашда бошқа аҳдлашувчи томоннинг инвесторларини рағбатлантиради ва ўз қонунчилигига мувофиқ ўз ҳудудида шундай капитал маблағ сарфланишига йўл қўяди.

2. Аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ўз қонунчилигига мувофиқ бошқа аҳдлашувчи томоннинг фуқаролари томонидан унинг ҳудудида капитал маблағлар сарфланиши муносабати билан ишлаш учун виза ва рухсат олишига кўмаклашади.

3-модда

1. Аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ўз ҳудудида бошқа аҳдлашувчи томоннинг ана шу капитал маблағлар сарфлаш билан боғлиқ бўлган инвесторлар капитал маблағларининг тенг ҳуқуқли тартибини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини олади.

2. Мазкур модданинг биринчи бандида айтилган тартиб ана шундай капитал маблағлар сарфлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай учинчи давлатнинг инвесторлари капитал маблағлари ва фаолиятидек қулай бўлади.

3. Мазкур модданинг биринчи ва иккинчи бандларидаги қоидалар аҳдлашувчи томонлар келажакда бошқа ҳар қандай учинчи давлатга берадиган инвесторларига ёки уларнинг қуйидаги асосдаги капитал маблағларига имтиёзлар ва афзалликларга татбиқ этилмайди.

— Унинг эркин савдо зонасида, бож ёки иқтисодий уюшмада, аҳдлашувчи томоннинг кўрсатилган ташкилотлар қатнашчиларига берадиган ва мазкур битим тузилган кунга қадар кучга кирган имтиёзлар ва афзалликлар беришни назарда тутувчи ўзаро иқтисодий ёрдам ва халқаро битимни ташкил этишда қатнашиши;

— солиқ солиш масалалари бўйича халқаро битим ва бошқа шартномалар;

— чегара бўйи савдоси масалалари бўйича аҳдлашувлар.

4-модда

1. Бошқа аҳдлашувчи томон ҳудудида амалга оширилган аҳдлашувчи томонлардан бирининг инвесторлари капитал маблағлар мусодара қилиниши, экспроприация қилиниши ёки ана шундай мусодара экспроприация оқибатларига (бундан кейин экспроприация деб аталади) олиб келувчи бошқа чоралар қўлланиши мумкин эмас. Бундай чоралар ижтимоий манфаатларни кўзлаб, белгиланган қонунчилик тартибига риоя қилинган ҳолда, камситмаслик асосида ва компенсация тўланган ҳолда қабул қилинган ҳоллар бундан мустаснодир.

2. Мазкур модданинг биринчи бандида назарда тутилган компенсация экспроприация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган ёки эълон қилинган бевосита кундан олдинги кундаги капитал маблағларнинг реал қиймати асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Компенсация асосли равишда тўхтатилмасдан тўланиши, эркин алмаштирилиши ва аҳдлашувчи томонларнинг бири ҳудудидан бошқа аҳдлашувчи томон ҳудудига эркин равишда ўтказилиши керак.

3. Агар аҳдлашувчи томонларнинг бири инвесторларининг капитал маблағларига бошқа аҳдлашувчи томон ҳудудида уруш, фавқулодда ҳолатлар, фуқаролар тартибсизлиги ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолат оқибатида зарар етказилса, ҳудудида капитал маблағ сарфланган аҳдлашувчи томон етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва бошқа тегишли чоралар кўрган тақдирда ана шу инвесторларга бошқа ҳар қандай учинчи давлат инвесторларига берилгани сингари қулай режим яратиб беради.

5-модда

Аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ўз қонунчилигига мувофиқ бошқа аҳдлашувчи томон инвесторларига улар барча солиқ мажбуриятларини бажарганидан кейин қуйидагиларни ўз ичига олган капитал маблағлар сарфланиши муносабати билан сумма ўтказилишига кафолат беради:

а) мазкур битим 1-моддасининг 3-бандида кўрсатилган даромадлар;

б) капитал маблағлар тўла ёки қисман тугатилгандан кейинги суммалар;

в) капитал маблағлар сарфланганлиги муносабати билан кредит битимига мувофиқ амалга оширилган тўловлар;

г) техникавий ёрдам, техника хизмати кўрсатиш ва бошқарув тажрибаси учун тўловлар.

Биринчи аҳдлашувчи томон ҳудудида унинг қонунчилигида назарда тутилган миқдорда сарфланган капитал маблағлар муносабати билан бажарилган иш ва хизматлар учун оладиган иш ҳақи ва бошқа мукофотлар.

6-модда

Мазкур битимнинг 4 ва 5-моддаларига мувофиқ суммаларни ўтказиш капитал маблағ сарфланган аҳдлашувчи томон ҳудудидаги расмий алмашув курси бўйича ўтказилган кунда амалга оширилади.

7-модда

Мазкур битим 1992 йилнинг 1 январидан кейин амалга оширилган барча капитал маблағларга нисбатан қўлланилади.

8-модда

1. Аҳдлашувчи томонлар ўртасидаги мазкур битимнинг талқини ёки қўлланилишига тааллуқли низолар мумкин қадар дипломатик йўллар билан ҳал этилади.

2. Агар низо аҳдлашувчи томонлардан бири томонидан низо қўзғатилган санадан бошлаб олти ой ичида ҳал этилмаса, у аҳдлашувчи томонлардан исталган бирининг илтимоси билан «Адхос» ҳакамлик судига берилади.

3. Ҳакамлик суди уч ҳакамдан иборат бўлади ва қуйидаги тартибда ташкил этилади: аҳдлашувчи томонлардан бири иккинчи аҳдлашувчи томоннинг низони ҳакамликка ошириш тўғрисидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб икки ой ичида аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири биттадан ҳакам тайинлайди. Бу икки ҳакам иккинчи ҳакам тайинланган кундан бошлаб икки ой ичида учинчи ҳакамни — ҳар иккала аҳдлашувчи томон билан дипломатик муносабатларга эга бўлган учинчи давлатнинг фуқаросини сайлайдилар, у аҳдлашувчи томонларнинг розилиги билан ҳакамлик судининг раиси этиб тайинланади.

4. Агар ҳакамлик суди низони ҳакамлик судига ошириш тўғрисида ёзма билдириш олинган кундан бошлаб тўрт ой ичида ташкил этилмаса, аҳдлашувчи томонларнинг исталган бири, бошқа аҳдлашув бўлмаган тақдирда, халқаро суд раисига тегишли тайинлашларни амалга оширишни таклиф қилиши мумкин. Агар раис аҳдлашувчи томонлардан бирининг фуқароси бўлса ёки бошқа сабабга кўра кўрсатиб ўтилган вазифани бажаролмаса, унда тегишли тайинлашларни амалга ошириш халқаро суднинг аҳдлашувчи томонлардан ҳеч бирининг фуқароси бўлмаган, мартабасига кўра бошқа аъзосига таклиф этилиши мумкин.

5. Ҳакамлик суди иш тартиби қоидаларини ўзи белгилайди. Суд мазкур битимнинг қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган принципларига мувофиқ қарор қабул қилади.

6. Ҳакамлик суди кўпчилик овоз билан қарор қабул қилади, бу қарор узил-кесил ҳисобланади ҳамда ҳар иккала аҳдлашувчи томон учун мажбурий кучга эга бўлади. Аҳдлашувчи томонларнинг исталган бирининг илтимоси билан ҳакамлик суди ўз қаорининг сабабларини тушунтириб беради.

7. Ҳар иккала аҳдлашувчи томон ўзи тайинлаган ҳакамнинг фаолияти ва ҳакамлик жараёнида унинг вакиллиги билан боғлиқ харажатларни қоплайди. Раиснинг фаолияти билан боғлиқ харажатларни ҳамда бошқа харажатларни аҳдлашувчи томонлар тенг улушларда қоплайдилар.

9-модда

1. Аҳдлашувчи томоннинг бири билан иккинчи аҳдлашувчи томоннинг инвесторлари ўртасида экспроприация ҳолларида компенсация миқдорида тегишли бўлган ҳар қандай низо ҳакамлик судига оширилиши мумкин.

2. Бундай ҳакамлик суди ҳар бир муайян ҳол учун қўйидаги тартибда ташкил этилади: томонларнинг ҳар бири низо юзасидан биттадан ҳакам тайинлайди, бу икки ҳакам эса ҳар иккала аҳдлашувчи томон билан дипломатик муносабатларга эга бўлган учинчи давлатнинг фуқаросини ҳакам-раис сифатида сайлайди. Биринчи икки ҳакам низонинг ҳакамликка кўриб чиқиш учун оширилиши тўғрисида ёзма билдириш олинган кундан бошлаб икки ой ичида тайинланадилар, раис эса тўрт ой ичида сайланади. Агар кўрсатиб ўтилган муддат ичида ҳакамлик суди ташкил этилмаса, низо юзасидан томонларнинг исталган бири Стокгольм савдо палатаси ҳакамлик институтининг раисига тегишли тайинлашларни амалга оширишни таклиф этиши мумкин.

3. Ҳакамлик суди иш тартиби қоидаларини ўзи белгилайди, бунда суд иш тартибини аниқлаш давомида Стокгольм савдо палатаси ҳакамлик институти қоидаларини қўлланма сифатида қабул қилиши мумкин.

4. Ҳакамлик суди ўз қаорини кўпчилик овоз билан чиқаради. Бундай қарор узил-кесил бўлиб уни низолашувчи ҳар икки томоннинг бажариши мажбурийдир. Аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ўзининг миллий қонунчилигига мувофиқ ҳакамлик суди қарорини бажариш мажбуриятини олади.

5. Ҳакамлик суди ўз қаорини ушбу битим қоидаларига, ҳудудида маблағ сарфланган, унинг коллизион нормалари ҳам шу жумлага киради, аҳдлашувчи томоннинг қонунчилигига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган принципларига мувофиқ чиқаради.

6. Ҳар бир томон низо юзасидан ўзи тайинлаган ҳакамнинг фаолияти ва ҳакамлик жараёнида унинг вакиллиги билан боғлиқ харажатларни қоплайди. Раиснинг фаолияти билан боғлиқ харажатларни ҳамда бошқа харажатларни низолашувчи томонлар тенг улушларда қоплайдилар.

10-модда

Агар аҳдлашувчи томонлардан бири ўзининг қонунчилигига ёки ҳар иккала аҳдлашувчи томон иштирокчиси бўлган халқаро битимга мувофиқ иккинчи аҳдлашувчи томоннинг инвесторлари капитал маблағларига ёки шундай капитал маблағлар билан боғлиқ фаолиятга ушбу битимдагига нисбатан қулайроқ тартиб тақдим этса, унинг қулайроқ тартиби қўлланилади.

11-модда

1. Ҳар иккала аҳдлашувчи томоннинг вакиллари зарурат бўлганда қуйидаги мақсадларда учрашувлар ўтказади:

а) ушбу битимни қўлланиш масалаларини ўрганиш;

б) маблағ сарфлашнинг ҳуқуқий масалалари бўйича ва уларни амалга ошириш имкониятлари тўғрисида ахборот айирбошлаш;

в) маблағ сарфлаш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлувчи низоларни ҳал этиш;

г) маблағ сарфлаш билан боғлиқ бошқа масалаларни ўрганиш;

д) ушбу битимга эҳтимол тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш.

2. Агар аҳдлашувчи томонлардан бирортаси ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган масалалардан исталган бири бўйича маслаҳатлашишни таклиф этса, иккинчи аҳдлашувчи томон дарҳол жавоб беради ҳамда маслаҳатлашув навбати билан Тошкент ва Пекинда ўтказилади.

12-модда

1. Ушбу битим аҳдлашувчи томонлар бир-бирларини улар томонидан тегишли конституцион иш тартибларининг бажарилиши тўғрисида ёзма равишда хабар қилган кундан бошлаб ўттиз кун ўтгандан кейин кучга киради ва ўн беш йил давомида амал қилади.

2. Агар аҳдлашувчи томонлардан бирортаси бошқа аҳдлашувчи томонни ушбу модданинг 1-бандида белгиланган муддат тамом бўлишидан узоғи билан бир йил олдин битимнинг амал қилиши тўхтатилиши тўғрисида ёзма равишда билдирмаса, ушбу битим ўз кучида қолади.

3. Дастлабки ўн беш йиллик муддат тамом бўлганидан кейин аҳдлашувчи томонларнинг ҳар бири ўз ниятини иккинчи аҳдлашувчи томонга ёзма равишда билдирган тақдирда исталган вақтда ушбу битимнинг амал қилишини тўхтатиши мумкин. Бундай билдириш уни иккинчи аҳдлашувчи томон олган кундан бошлаб 12 ойдан кейин кучга киради.

4. Ушбу битимнинг амал қилиши тўхтатилган кундан олдин сарфланган капитал маблағларга нисбатан I-ва 11-моддаларнинг қоидалари ушбу битимнинг амал қилиши тўхтатилган кундан бошлаб ҳисобланадиган кейинги ўн беш йил давомида ўз кучида қолади.

Ўз ҳукуматлари томонидан тегишли даражада вакил қилинган қуйида имзо чекувчи вакиллар уни тасдиқлаб, ушбу битимга имзо қўйдилар.

Битим 1992 йил 13 мартда Пекин шаҳрида уч нусхада, ҳар бири ўзбек, хитой ва рус тилларида тузилди, ҳар учала матн бир хил кучга эга.

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ваколатига кўра ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазири Ли ЛАНЬЦИН.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ваколатига кўра Бош вазир ўринбосари

Раҳим РАЖАБОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати, қуйида аҳдлашувчи томонлар деб аталувчилар:

иккала мамлакат фан ва техника ривожланиши манфаатларидан келиб чиқиб;

тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаат принципларига таяниб;

илмий-техникавий ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланишига кўмаклашувини эътиборга олиб;

мана шу ҳамкорликнинг ривожланиши учун узоқ муддатли асос яратиш зарурлигини ҳисобга олиб;

қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-модда

Аҳдлашувчи томонлар иккала давлат ўртасида илмий-техникавий ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашадилар ҳамда шундай ҳамкорликнинг соҳалари ва йўналишларини белгилайдилар.

2-модда

Ушбу битимга мувофиқ томонлар ўртасидаги ҳамкорлик қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) илмий ва техникавий делегациялар, алоҳида олимлар ва мутахассислар алмашуви;

2) илмий-техникавий ахборот ва ҳужжатлар, материаллар ва ишлаб чиқарилган нарсаларнинг намуналари, «ноу-ҳау» лицензиялар алмашуви;

3) илмий-техникавий симпозиумлар ва илмий конференциялар ташкил қилиш;

4) ҳамкорликда тадқиқотлар ва илмий ишланмалар олиб бориш, шунингдек, тадқиқотлар ва илмий ишланмаларнинг натижалари алмашуви;

5) ўзаро келишиш мумкин бўлган илмий-техникавий ҳамкорликнинг бошқа шакллари.

3-модда

Аҳдлашувчи томонлар ушбу битим доирасида тузилган шартномалар ёки битимларга мувофиқ, иккала мамлакатнинг тегишли ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларига илмий-техникавий ҳамкорликда кўмаклашадилар.

4-модда

Ушбу битимни ижро этувчи органлар сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитасини ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумати фан ва техника давлат қўмитасининг раисини белгилайдилар.

5-модда

Аҳдлашувчи томонлар ҳамкорлик давомида юзага келадиган тижорат, молиявий ва юридик характерга эга бўлган масалалар иккала мамлакатнинг ҳаракатдаги қонунчилигига мувофиқ тузиладиган алоҳида протоколларга ва битимларга киритилиши керак, деб келишиб олдилар.

6-модда

Аҳдлашувчи томонлар улар ва уларнинг вакиллари томонидан олинган илмий-техникавий ахборот ва ҳужжатларни ана шу илмий-техникавий ахборот ва ҳужжатларни тақдим қилган томоннинг расмий розилигисиз ҳар қандай учинчи томонга бериб юбормаслик мажбуриятини оладилар.

7-модда

Ушбу битим имзоланган кунидан эътиборан кучга киради ва беш йил давомида амал қилади. Башарти аҳдлашувчи томонлардан бири ушбу битим муддати тугашидан камида олти ой олдин бошқа аҳдлашувчи томонга уни бекор қилиш истагини ёзма равишда баён этмаса, ҳар сафар унинг амал қилиш муддати ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатларга узайтирилади.

1992 йил 13 март куни Пекин шаҳрида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва хитой тилларида имзоланди, ҳар иккала матн бир хил кучга эга. Илова қилинган русча матн ишчи нусхадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан

Бош вазир ўринбосари

Раҳим РАЖАБОВ.

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати номидан
Давлат кенгаши аъзоси, фан ва техника давлат қўмитасининг раиси

Сун ЦЗЯНЬ.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ КУН ТАРТИБИНИНГ 1-МОДДАСИ ЮЗАСИДАН

ПРОТОКОЛ ҚАРОРИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатларнинг ҳукумат бошлиқлари энг муҳим турдаги хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурслари, материаллар ва озиқ-овқатнинг нархларини тартибга солиш қоидалари тўғрисидаги битим лойиҳасини муҳокама қилиб, қуйидагилар ҳақида аҳдлашиб олдилар:

1. Нарх, молия-кредит ва солиқ сиёсатининг Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини таҳлил этиш ва келишилган таклифлар ишлаб чиқиш учун Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатларнинг мухтор вакилларидан иборат гуруҳ тузилсин.

2. Мазкур ишчи гуруҳга битим лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқиш топширилсин, битимда Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ёқилғи-энергетика мажмуини ривожлантиришни биргаликда пул билан таъминлаш имкониятларини ҳисобга олиб, давлатлараро айирбошланадиган маҳсулот нархини белгилаш масалаларни комплекс ҳал этиш кўзда тутилсин.

3. Ишчи гуруҳнинг иш натижалари Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар ҳукумат бошлиқлари кенгашининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилсин.

4. Мазкур гуруҳнинг иш натижалари кўриб чиқилиб, шу масала юзасидан ҳукумат бошлиқлари кенгашининг қарори қабул этилгунга қадар томонлар ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотларнинг нархларини оширмай турадилар.

* * *

Декларацияни Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси (2-модда бажарилмаган тақдирда 4-моддасиз), Тожикистон, Ўзбекистон, Украина вакиллари имзоладилар.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ

ҚАРОРИ

Давлатлар бошлиқлари собиқ ССР Иттифоқининг ўзаро қизиқишга сазовор бўлган шартномалари, шунингдек, давлат мулки, давлат ҳужжатхоналари, қарзлари ва сармоялари хусусидаги ҳуқуқий ворислик билан боғлиқ масалалар мажмуини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

1. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида қатнашувчи барча давлатлар собиқ ССР Иттифоқи ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ҳуқуқий ворисларидир.

2. Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар юқорида тилга олинган масалаларни ҳал этиш юзасидан музокаралар ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш учун мухтор вакиллардан иборат комиссия тузадилар.

3. Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлардан ҳар бири 1992 йил 1 апрелдан кечикмай комиссияга мухтор вакил тайинлайди.

4. Ҳамдўстликда қатнашувчи давлат делегацияси таркибига мухтор вакилнинг 5 нафаргача ўринбосарини ва зарур экспертларни киритиши мумкин.

5. Ҳамдўстликда қатнашувчи ҳар бир давлатнинг делегацияси комиссияда битта овозга эга бўлади.

6. Комиссиянинг қарорлари якдиллик асосида қабул этилади.

7. Комиссия 1992 йил 1 апрелда ишга киришади ва ўзининг биринчи мажлисини Минск шаҳрида ўтказади.

Комиссия ишини ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлаш вазифалари Ҳамдўстлик давлат бошлиқлари кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари кенгаши тайёрловчи ва ўтказувчи ишчи гуруҳ зиммасига юклатилсин.

Киев шаҳрида 1992 йил 20 март куни рус тилида битта асл нусхада имзоланди. Асл нусха Беларусь Республикаси ҳукуматининг ҳужжатхонасида сақланади. Беларусь Республикасининг ҳукумати ушбу қарорни имзолаган давлатларга унинг тасдиқланган нусхасини юборади.

* * *

Қарорни Озарбайжон, Арманистон, Беларусь (6-моддадан ташқари), Қозоғистон Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси (1 ва 2-моддаларга «давлат мулкидан ташқари» сўзларни қўшиб), Тожикистон, Ўзбекистон, Украина вакиллари имзоладилар.

• Биз билган ва билмаган соҳалар

ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИНИ

— Ўшандан бери орадан 17 йил ўтди. Ҳа, ҳа, ўтган куни, яъни, 24 март куни роппа-роса ўн етти йил бўлди, — олтин бойитиш фабрикаси ходими Қаҳҳор Ҳайдаров бизга ҳамроҳлик қилаётиб корхонанинг ўша тарихий митинги билан боғлиқ жойларни кўрсатиб бораркан, фахрланиб, тўлиб-тошиб ҳикоя қиларди. — Ўша митинг мана шу саҳнда ўтганди. — У фабрикага кираверишдаги асфальт ётқизилган кенг саҳнда тўхтади, — ўша кундан эсдалик деб сақлаб қўйибмиз бу ерни.

Қир-адрлар устида қад ростлаган корхона биноларини бир қарашда кўз қамраб олиши қийин. Фабрика 120 гектар майдонни эгаллаб олган. Узоқ-узоқларда Гулбулоқ, Маржонбулоқ, ва Тангабулоқ конларидан маъдансиз, «пуч» тош ва шағаллар уйимларидан ҳосил бўлган сунъий тоғлар ястаниб ётибди. Унинг этагида ҳам фабриканинг олтинини ювиб берган, турли моддаларга тўйинган оқава сув тўлдирган қўлбола кўл. Худди осмону фалакка кўтарилиб, булутлар орасида йўқолиб кетгандек маъдан ташиётган қудратли КРАЗлар карвони тўлдирган кенг илон изи йўл. Бу ёқда эса Ғўбдин ва маржонликларнинг ушалган орзуси — Маржонбулоқ шаҳрининг кўп қаватли уйлари... Ҳамма нарса худди кафтдагидек яққол кўриниб турибди. Олдимизда эса мана шуларнинг барчаси вужудга келиши сабабкори — ўн етти йилдан бери туну кун тиним билмай бир меъёрда ишлаб келаётган тиллапазлик корхонаси — олтин бойитиш фабрикаси. Бу ерда бир ярим минг киши меҳнат қиляпти. Уларнинг қўлида йилига юзлаб минг тоннага яқин тоғ жинслари талқон бўлиб минг хил машина ва аппаратлар ёрдамида юзлаб килограмм кўпроқ олтин ишлаб чиқарилмоқда.

— Бизнинг ишимиз худди катта бир ғарам ичидан игна қидирган одамнинг ишига ўхшайди, — дейди фабрика бош муҳандиси Даврон Қурбонов.—Бир тонна маъдандан бир неча граммдангина тилла олинади. Бунинг устига у шунчалик майда зарраки, оддий кўз билан кўриб ҳам бўлмайди. Уларни оғир тоғ жинслари ичидан асраб-авайлаб тортиб олиш учун эса эҳҳе, қанчадан-қанча тер тўкиб меҳнат қилишимизга тўғри келмоқда. Олтинпазлик кўпчилик ўйлаганидек осон иш эмас. У игна билан қудуқ қазишдек бир гап. Шунинг учун ҳам бу ерда ишлаш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Олтин дегани не-не мана мен деган кишиларнинг белини қайиштириб юбормади, не-не одамлар оғир меҳнатга тоб беролмай, кўч-кўронини кўтариб қочмади дейсиз. Ўн етти йил сараланиб-сараланиб ҳозирги жамоамиз вужудга келди.

Бош муҳандис икки кун давомида тоғ жинсларини бир томондан домига тортиб, иккинчи томондан талқондек майдалаб лентали йўллар билан кукунлаш цехига узатаётган қудратли тегирмонлардан олтин қабул қилиш омборигача, барча цех ва бўлимларни бирма-бир кўрсатди. Реагент бўлими «сеҳргарлари»дан, маъданлар таркибида кўзга кўринмас тилло заррларини бирма-бир «санаб чиқаётган» кимёгарларгача, барча касб эгалари билан таништирди.

Мана, олтин конвейерининг дебочаси — маъдан конлари. Қандайдир беқиёс, баҳайбат жонзоднинг унда-бунда қолдириб кетган оёқ излари каби бир-бирига қўшни учта карьер: Маржонбулоқ, Гулбулоқ, Тангабулоқ. Гулбулоқ ҳозир кимсасиз. Бу ерда олтинли маъданлар қазиб бўлинган. Маржонбулоқнинг 100 метрлик чуқурликдаги тубида бетиним тош-шағал қазиб олиб, баҳайбат КРАЗларга ортаётган экскаваторлар, маъдан тўла пўлат «қопчиғини» орқалаганча карьер деворига ўйиб ясалган йўлдан ўрмалаб чиқаётган автомашиналар карвони элас-элас кўзга ташланади. Бу ерда иш авжида.

— Тушамизми? — «Ўзбек олтини» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Анвар Шакаров савол назари билан бош муҳандисга қаради-да, сўнг гапини маъқуллагандек давом этди. — Бизлар-ку бу ерга тез-тез келиб кўникиб кетганмиз. Мухбирлар ҳам ўз кўзлари билан кўриб, одамлар билан суҳбатлашсинлар.

«Қозон» тубигача тиккасига 100 метрдан кўпроқ бўлса ҳам айланма йўл билан тушиб боришнинг ўзи бўлмади. Камида 5 — 6 километр йўл босишга тўғри келди. Боягина юқоридан гугурт қутисидек кўринган, аслида эса жуда ҳам ҳайбатли экскаваторларнинг гувиллаши, унинг чўмичларидан қалдираб тўкилаётган тош-шағалларнинг шарақлаши ҳамма ёқни тутиб кетганди. Нарироқда эса гупиллаб ишлаётган компрессорли бурғу машиналарининг пармали тиғи тош баррига кириб борарди. Тўладан келган, бўғдойранг йигит у ер-бу ерда текис бурғуланган чуқурчаларни нималар биландир тўлдирмоқда эди.

— Раҳматилла деган портлатувчимиз у, ўз ишининг пири, — тушунтирди Даврон Қурбонов. — Тоғ жинсларининг қаттиқ-юмшоқлигини «сув» қилиб ичиб юборган. Қаерда қанча дори билан қанча тош портлатишни яхши билади.

Баҳайбат «кафти»даги тошни охирги марта машина кузовига бўшатган экскаватор чўмичини яна маъданга тўлдириб олгач моторини ўчирди. Кабинага қадалган узун темир нарвондан қора қош, қора кўз, юзлари кулиб турган йигит тушиб келиб, дуд теккан қўлларини коржомаси этакларига арта-арта ҳаммамиз билан омонлашиб чиқди.

— Мавлон Ўролов деган машҳур экскаваторчимиз шу киши бўладилар, — бош муҳандис шундай деб таништирар экан, унга тушунтирди. — Атайлаб сени газетага ёзиш учун келишибди.

— Майли ёзишсин, — Мавлон майин жилмайди — Сайфулла Аввалбековни ҳам, Фёдор Муравчинни ҳам ёзишсин. Ҳаммамиз баравар ишлаяпмиз. Тағин, — у муҳандисга бир қараб олдида, гапида давом этди. — Тағин бир соат ишлаб, ярим соат бекор туриб қолаётганимиз ҳақида ҳам ёзишсин...

— Оббо, яна эски ашуланги бошладингми? — Даврон Қурбонов тутоқди. — Тағин нима бўлдию тутун қайтаряпсан?

— Машиналар кам чиқяпти ишга. Уларни жўнатгач, ярим соат-бир соат ўзимизни офтобга солиб ўтиришимизга тўғри келяпти.

— Бунинг устига порлатувчи дориларнинг ҳам таги кўринниб қолди. — Боя муҳандис «зўр портлатувчимиз» деб таъриф-тавсиф этган Раҳматилла ҳам суҳбатга қўшилди.

— Омборда бор, айтаман, кечгача келтириб беришади.

2. ИГНА БИЛАН ҚУДУҚ ҚАЗИБ

Муҳандиснинг ваъдасини эшитиб Раҳматилланинг юзи ёришди, сўнг ҳаммага юзланди-да, «акалар, ҳозир хабар берилади, бир зум панага ўтиб турасизларда, Мавлон акаларга тош майдалаб бермасам ҳали замон машиналар келиб, бекор туриб қолишади». У шундай дедида карьернинг нариги четида юмушини бажариб бўлиб устозини кутаётган шогирдига қўл кўтариб ишора қилди. Сиренанинг чинқироғи янгради. Ҳамма ўзини панага олиб бўлгач, Раҳматилла динамикнинг қулоғини бураги. Ер худди ларзага келиб, тўлқинилангандек бўлди назаримизда. Сўнг даҳшатли портлаш саси қулоқларни қоматга келтириб, ҳаммамизни тошга парчинлаб ташлагандек туюлди. Тутун, дуд-чанг, тўзон, олам жаҳон тош-шағал осмонга кўтарилди. Портлаш саси карьернинг у деворидан бу деворига танда қўйиб, узоқ вақтгача гувиллаб турди.

— Нима бўлди, зарядни кўпайтириб юбормадингми? — Мавлон Ўролов Раҳматилладан сўради устига кўнган чангни қоқаркан.

— Ортиқча эмас, бугун Ёрлақабнинг ҳимати қўзиб ўнта чуқурчани кўпроқ бурғуланганди. Сенга кўпроқ иш бўлсин деб ҳаммасини портлата қолдим. Бўлмаса яна бўш турибман деб келган одамларнинг ёқасидан оладиган одатинг бор... У ҳазиллашиб дўстининг ишига барор тилади-да, ўз юмушига кетди.

— Мавлоннинг куйинганича бор. — Йўл-йўлакай бош инженер ўйчанлик билан тушунтириб борди—Буларнинг иши бир-бировникиларнинг ёрдамисиз ҳалолдир. Ҳаҳ, ҳаҳ, ҳаҳ... Раҳматилла эртага портлатгичларни кутиб қолса экскаваторлар ҳам ишламайди. Мана бугун олтита КРАЗ ишга чиқмабди. Эртага ўнтаси чиқмаса ҳам ажабланмайман. Чунки эҳтиёт қисмлар анқонинг уруғи бўлиб қолди. Ҳозир-ку амал-тақал қилиб топиб турибмиз, эртага нима бўлади? Индинигачи? Бу муаммолар кўпайса-кўпайяптики, сира камаймаяпти.

Муаммолар, муаммолар... Биз икки кун давомида қайси цех, қайси бўлимда бўлмайлик, учрашган, суҳбатлашган одамларнинг кўпчилиги салом-аликдан сўнг «у нарса йўқ, бу нарса етмаяпти» деб дардини айтгани сабабига тушундик. Бош муҳандис ҳам улардан қолишмай, бор дардини тўкиб солганда сира ҳам ажабланмадик.

Олтинпазликда цианли калий, махсус смола, ишқор, олтингугурт кислотаси, тиамочевина оҳак сув билан ҳаводек зарур. Улар Ҳамдўстликдаги мустақил республикалардан ташиб келтириларди. Илгари собиқ Иттифоқ даврида ўзаро иқтисодий алоқалар жойида, ҳеч қандай етишмовчиликлар бўлмасди. Энди эса бир ердан бирор моддани ундиришнинг ўзи минг азоб. Бунинг устига нарх-наво осмонга чиқиб кетди. Авваллари Грузиядан цианли калийнинг ҳар бир тоннасига 600 сўм тўлаб истаган миқдорда олиб келинарди. Эндичи, унинг нархи 20 баравар кўтарилиб, 12 минг сўмга чиқиб кетгани етмагандек, минг бир машаққатлар билан ташиб келиняпти. Ёки боягина Раҳматилла муҳандисга тайинлатиб юборган портлатгич дориларни олайлик. Улар ҳам Тожикистоннинг Исфара шаҳридан келтирилмоқда.

— Биласизми, баъзан республикамизнинг ўзидаги айрим раҳбарларнинг айби билан ўзимиз ҳам баъзи муаммоларни келтириб чиқараяпмиз. — «Ўзбек олтини» бош бошқармасининг директори ўринбосари Анвар Шакаров куйиниб деди; — Маржонбулоқликлар Богарное станциясида юк қабул қилиш ва туширш учун темир йўл тармоғини қуриб олишганди. Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси эса бир неча ойдан бери тайёр тармоқни қабул қилиш ҳақидаги ҳужжатларни тасдиқлашдан бош тортяпти. Эмишки, олтин бойитиш фабрикаси ўз ҳисобидан Богарное станциясини реконструкция қилиб берса, ундан кейин ҳужжатга имзо қўйишармиш... Бўлмаса... Мана сизга замонавий зўравонликдан бир мисол... Ўша тўраларнинг қилмиши туфайли Зармитоннинг маъданини 60 километр масофадан, Исфаранинг портлатгичларини бир кунлик йўлдан машиналарда ташиб келишга мажбур бўлишяпти. Бошқача айтганда, харажат кўпайиб, ушовидан тушови қимматга тушяпти. Шу ҳақда Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси бошлиғи Желтоуховга неча бор алоқа хати ёздик, неча бор остонасига бош уриб бордик. Аммо фойдаси бўлмаяпти...

Биз ушбу муаммоларни қоғозга туширяпмиз-у, зора олтинпазларнинг шундоқ ҳам машаққатли меҳнатини билиб билмай янада оғирлаштириб юбораётган айрим ташкилотлар уларга ёрдам қўлини чўзишса, дея умид қиляпмиз. Ёки республика темир йўли мутасаддилари маржонбулоқликлар йўлига ғов қўйишни бас қилиб, тегишли ҳужжатни имзоласалар, деган хаёлга бордик. Ҳозир одамлар бир-бирига тўқнинлик қилмай, аксинча йўлдаги ғовларни биргалашиб олиб ташлайдиган, ҳар қандай муаммо ва қийинчиликларни ҳамкорликда, аҳиллиқда бартараф этадиган замон-ку. Ҳар ким ўз кўмачини кўзлаб кул тортадиган бўлса, ўз манфаатини ўйлаб, ўзгаларнинг оёғидан чалишга ҳаракат қилса, охир оқибатда ўзига зиён-заҳмат етмайдими? Айтадилар-ку тўртовлон тугал бўлса, унмаганни ундирар, олтовлон ола бўлса оғзидагини олдирар деб. Иқтисодий қийинчилик авжига чиққан айни пайтда биринчи галда ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик билан иш олиб бориш зарур эканлигини, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш шуни тақозо этаётганини унутмаслигимиз лозим.

Маржонбулоқ олтин саралаш фабрикаси ишлаб чиқариш жараёни бошқа турдош корхоналар сингари ғоят мураккаб. Тоғ жинслари машиналарда ташиб келтирилгач таркибидаги олтин миқдори ва бошқа моддалар химиявий таҳлил қилиниб, аниқланган, тўғри тегирмонга ташланади. Бу ерда майдаланиб, махсус лентали йўллар билан 1100 тонна сиғимли минорага боради ва у ердан бош корпусга ўтади. Компресс цехи қоришмаларга турли кимёвий моддалар сингдиришга ёрдам беради. Сўнгра кукунлаш цехига ўтиб, обдон майдаланган атала қолида сорбоция бўлимида смолага шимдириб олинади ва ниҳоят сўнгги жараён — катод чўкмаси йиғиб олиниб, Олмалиққа ёмби ҳолига келтириш учун жўнатилади. Ўзбекистонда эса олтин эритадиган цех фақат Олмалиқ ва Мурунтовда бор, холос.

Шуниси қувончлики, бу ерда фақат маҳаллий кадрлар ишлайди. Уларнинг барчаси ўз касбини яхши билади. Бу ерда участка бошлиғи Мамаражаб Турдиқулов, бригадир Элмурод Жўраев, созловчи Файзулла Қўшмонов, чилангар Анатолий Пасечник, машинист ёрдамчиси Ёрлақаб Исломов, бош муҳандис Қаҳрамон Ғофуров, фабрика директори Константин Кунцов, смена бошлиғи Муҳаммад Азимов, аппаратчи Баҳодир Бекмуродов, олтинпазлар — Ибодулла Ғаффоров, Боймурод Тожибоев, лаборатория мудири Елена Шеменина, лаборант Вера Қориева ва бошқа кўп кишиларнинг номини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишди. Айни пайтда мустақил республикамиз белига қувват ва мадор бўладиган, жаҳон дарвозасини очишга имкон бераётган ўзбек олтини ҳозирги пайтда Ўзбекистонга жуда-жуда зарурлигини қалбдан ҳис этаётганликларини изҳор этишди.

— Ўзбекистон ҳамиша бой бўлиб келган,— дейди бирлашма бош директори ўринбосари Анвар Шакаров. — Олтин ишлаб чиқариш бу катта фан — кончилик илмини эгаллашни тақозо қилади. Уни сотиш, қандай фойдаланиш эса яна бир муаммо. Муҳими, олтиндан оқилона фойдалана билиш керак. Ўз вақтида Бухоро амири Олимхонни жаҳондаги энг бой кишилардан бири ҳисоблаганлар. У пайтларда олтин ишлаб чиқариш ҳозирги даражада бўлмаган, албатта, Лекин ақл билан, идрок билан иш юритганлар. Сандиқдаги олтин билан ўз обрўларини кўтарганлар. Шунинг учун ҳам уларни бой ҳисоблашган. Бизнинг ҳам олтинларимиз кўпайиб боряпти. Ҳадемай, жаҳондаги бошқа бой мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаб қоламиз...

Рафиқ ТУРСУНОВ,
Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида).

СУРАТДА: Руда қазиб олинаётган Маржонбулоқ конида.

СУРАТЛАРДА: 1. Руда майдалаш цехининг машинисти Н. Юнусов, пайвандчи Ш. Бўтаев, майдаловчи С. Бобоев. 2. Сорбция цехи гидрометаллургари И. Ғаффоров ва О. Тожибоев.

С. МАҲКАМОВ олган суратлар.

ХДП: одамлар орасида

МУРУВВАТ

Наврўз айёмида кечиримли бўлиш, савобли ишларга қўл уриш, кўнгил олишлар азалий анъана, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам хайрли ишларга қамарбасталик қилмоқда. Жумладан, ХДП Тошкент шаҳар ҳамда район кенгашлари район ҳокимлари билан ўзаро ҳамкорликда байрамона тадбирларни амалга оширдилар.

Айниқса Тошкент шаҳар Кенгаши «Наврўз» телемарафонининг хайрия фондига 10 минг сўм ўтказиб, бу борада ибрат кўрсатди. Бектемир районида ҳам амалга оширилган ишлар диққатга сазовор бўлди. Чунончи муҳтож, кексайган ва кўп болали оилаларга 2126 сўм, меҳнат ва уруш фахрийларига 4 минг, кам таъминланган оилаларга 2 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Райондаги бошланғич партия ташкилотлари «Саховат» фондига 2,5 минг сўм ҳадя этишди.

Шаҳарнинг Киров, Куйбишев ва Ленин районларида ҳам Халқ демократик партиясининг фаоллари турли жойларда бўлиб, меҳнат аҳлини улуғ айём билан қизғин қутлашди. 29-болалар уйига кир ювиш машинаси, дазмол ва бошқа буюмлар совға қилинди. Ёлғиз, кўп болали оилаларга 3 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Ленин районида эса партия аппарати ходимлари ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини «Саховат» фондига ўтказишга қарор қилишди.

Собир Раҳимов районидаги учрашувлар ҳам анча қизғин ўтди. ХДП фаолларининг маҳаллаларда бўлиши кўпнинг ишончини қозониш ва партияга янгича муносабатни таркиб топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Меваэор» маҳалласида партия фахрийлари учрашувида ҳам ана шундай манзара юзага келди. Маҳалладошлар ўз чойхоналари учун муносиб совға олишди.

Сергели райони ХДП аъзолари ҳам саховат бобида бошқалардан қолишмадилар. Кам таъминланган оилаларга жами 24 минг сўмлик учта рўзғор мебели инъом этиб, маҳаллаларга 2 минг сўмлик ёрдам кўрсатишди. Фрунзе районида эса махсус ҳисоб очилиб, савобли ишларга сарфлаш учун 60 минг сўм ўтказилди. Ҳамза райони ҳокимлиги билан ҳамкорликда ногирон ва катта оилалар учун 45 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. ХДП Тошкент шаҳар, район кенгашларининг район ҳокимлари билан хомийликда амалга оширган ишлари ана шундай ўзига хос жозиба касб этди.

М. АНВАРОВ.

КАРВОНИДАН АЙРИЛГАН САРБОН

Биз, ҳозирги авлод ўтмишимизни, ўтмишдошларимизни яхши биламизми? Ёҳуд Мағрибу Машриқдан Маккаю Мадинага қадар чўзилган, кўҳна Туронни жаҳонга танитган «Ипак йўли» тарихини-чи? Ана шу нажот йўлининг турна-қатор тизилган нор туялардан иборат карвонларини-чи? Бу қутлуғ карвонларга йўлбошчи бўлган сарбонлар ҳақидачи?!.. Оғир юк ортган карвонлардан, зотдор туялардан айрилдик! Аслида асил туронликнинг «учқир» поездлари ўша «Ипак йўли» бўйлаб минг йиллар давомида кезган нор туялари эди. Афсуски, бизнинг азалий қадриятларимизу, урф-одатларимиз ўша ўтмиш карвонлари билан бирга кетди.

Фарзандларимиз карвону сарбонни, бир тоннагача юк ортган нор туялар нималигини билармикан?

Қизилқум сарҳадлари, унинг Қозоғистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон, Ўзбекистон бўйлаб чўзилган миллион-миллион гектарлардан иборат чўл ва ярим чўл кенгликлари нафақат қўй-кўзиларга, қулун-йилқиларга, туяларга ҳам макондир. Афсуски, собиқ ягона Иттифоқ тасарруфидаги бу макон ва кенгликдан путур кетди. Ер ости ва усти бойликлари баҳонасида Қизилқум илма-тешик қилиб ташланди. Натижада асил Бухоро қоракўл қўйлари сингари туялар ҳам қирғинбаротга учради.

Айниқса, Томди, Учқудуқ, Мингбулоқ, Учбулоқ, Қўшқудуқ, Оёққудуқ, Тасбулоқ, Утемурод, Учтепа кенгликларида туялар кескин камайди. Айтиш мумкинки, ҳозир бу чўлларда карвон ёки сарбон кўрган, буюк «Ипак йўли»дан бирор марта бўлса-да, ўтган нор туяларнинг асли ҳам, насли ҳам йўқ. Энг ачинарлиси, бир пайтлар транспорт вазифасини ўтаган, ўркачида улкан қопларни, хазина бойликларини елкалаган нортуяларнинг бутунлай қолмаганидир. Ҳозир Томди ва Учқудуқ чўлларида, Конимех кенгликларида элас-элас кўзга ташланадиган туялар бу—зоти бузилган, дурагай, қўшмоқ туялардир. Улар ҳам ёввойилашиб боряпти.

— 1905—1906 йилларда отам қизилўрдалик бою бойваччалар зулмидан қочиб, нор туяда Томдига ўтган, — дейди Жақсилиқ Балиманов. — Ўша йиллари Томди томонларда беш-олти мингга яқин туя бўлган. Ҳозир эса бутун Қизилқумда ёки Навоий, Бухоро вилоятларида атиги 14 мингга яқин туя бор, холос. Агар аҳвол шу тарзда давом этаверса, 10—15 йил ичида бутунлай туясиз қоламиз.

— Сулоламизни туячилар сулоласи, деса арзийди, — дейди «Оёққудуқ» давлат хўжалиги туябоқари Уралбек Тоғаев. — Отам ҳам, бобом ҳам туя минниб, туя боққан. Улар анъанасини давом эттириб, мен ҳам шу касб билан шуғулланяпман. Жами 200 бош туя бор. Шундан 80 боши она туялардир. Бироқ уларни кўпайтириш учун имконият йўқ. Бонси яйловлар ҳисобкитобли.

Дарҳақиқат, бугунги кунда туя у ёқда турсин, ҳатто қўй-қўзи учун ҳам яйлов ўлчовли. Томдида ҳар бош туяга 10—15 гектар серўт чўл у ёқда турсин, икки—уч гектар майдон тўғри келмайди. Натижада туялар яйловдан-яйловга қувилади.

ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ: АНЪАНАЛАРИМИЗНИ ТИКЛАЙЛИК

Қозоғистон ёки Туркманистонда ҳар юз бош она туядан 48—50 бошдан бўталоқ олинаётган бўлса, Томдида бу кўрсаткич 42—45 тадан ошмайди. Бунинг устига туячиликда селекция-наслчилик ишлари тамомила унутиб юборилган. Асосий сабаб Ўзбекистонда туячилик илмий-текшириш илмгоҳи ёки ишлаб чиқариш бирлашмасининг йўқлигидир. Энг ачинарлиси, жумҳуриятимизда туя гўшти ва жунини қабул қиладиган, қайта ишлайдиган корхоналар ҳам йўқ. Томдилик ва конимехликлар не-не машаққатлар эвазига етиштирган туя жуни ва сути (шубат)ни қаерда сотишга ҳам ҳайрон.

Юқорида йиллар, асрлар силсиласи боис карвондан, сарбондан айрилдик, дедик. Бу айрилиқ, бугунги кунга келиб бизни янада ташвишлантирмоқда. Зеро ёнилғи, техника, транспорт воситалари харид нархи кўтарилди. Демак, карвон йўлга чиқадиган қадим «Ипак йўли»да нор туяларга эҳтиёж сезилмоқда. Шундай экан, зотдор, икки ўркачли айир туяларни топиш, уларни Бўра, Қусбак каби туялар билан урчитиш керак. Айниқса, Ингин, Арвона каби она туяларни муттасил кўпайтириш лозим. Чунки, бу туялар икки йилда битта бўталоқ, сифатли шубат ва жун беради. Бир ўркачли Улек, Жунг, Нор эркак туяларни эса Нармоя, Мая сингари урғочи туялар билан урчитиш зарур. Ана ўшанда энг кўп юк кўтарадиган, олис карвонга ярайдиган нор туялар пайдо бўлади. Бироқ бу сингари хайрли ишларни ким қилади? Туяни урчитишга, наслини яхшилашга бел боғлаган бирон-бир масъул ташкилот борми ўзи?

— Замонанинг зайли билан йилқи, туя керак бўладиган кунларга етдик, — дейди Конимех районидаги йилқи-туячиликка ихтисослашган «Маданият» давлат хўжалиги ферма мудири Нурмахон Ўрозшоева. — Хўжалигимизнинг туя, йилқига ихтисослашуви номигагина. Аслида мазкур хўжаликда 1400 бош туя, 1300 бош йилқи, ўттиз минг бош қўй мавжуд. Агар давлат хўжалигимиз туячиликка ихтисослаштирилиб, ундан олинадиган маҳсулотлар шу ерда қайта ишланса, туя гўштидан тайёрланган қарта, қази ва шубат халқимиз дастурхонини безарди.

Ҳозир иқтисодий танглик вазиятида даромад берадиган тармоқнинг ҳаммасидан оқилона фойдаланиш даркор. Урғочи айир туяларни ёки машҳур нор туяларни шу хўжаликнинг ўзида кўпайтириш учун хорижнинг асбоб-ускунаси керак эмаскуми? Фақат наслчилик пункти, тажрибали ассеменаторлар, зотдор айир туялар бўлса бас.

Яна бир мисол. Бундан беш-олти йил муқаддам Навоий вилоятида «Кўкпатас» (Учқудуқ райони), «Қизилқум» (Томди райони) туячилик давлат хўжаликлари бор эди. Мазкур хўжаликлар тугатилиши оқибатида туялар қувғинда қолди. Ҳозир жумҳуриятимизнинг бирон-бир туячилик мутахассиси (агар у бўлса) Қизилқумда туялар учун мўлжалланган бошпана ёки ғарамланган ем-хашак борйўқлигини айтиб беролмайди.

Хулоса қилиб айтганда, туяларнинг карвон сифатида оғир юк кўтаришини, сермаҳсуллигини ҳисобга олиб, туячиликка ўтай кўз билан қарамайлик. Аксинча, уларни кўпайтириб, зотини яхшилаш чора-тадбирларини кўрайлик.

Яхшиси, яна тўхтаб қолган карвонимиз, унга бош бўлган сарбонимиз йўлга чиқсин! Шубҳасиз, бу карвон ва сарбоннинг йўли нафақат биз учун, балки кўҳна Турон учун, унинг келажак авлодлари учун қутлуғ ва шарафли.

М. ШАРОПОВ,
Навоий вилояти.

• АКС-САДО

ТАКЛИФЛАРИМ

Мен «Ўзбекистон овози» рўзномасида босилган «Ўқиш ва тарбия — асосий масъулият» сарлавҳаси остидаги Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири академик Ж. Абдуллаевнинг суҳбатини ўқиб чиқдим. Ҳақиқатан ҳам жумҳуриятимиз олдидаги муҳим ва долзарб муаммолардан бири вилоятларда фан, билим ва маданиятни кучайтиришдир.

Мақолани ўқиб чиқиб қуйидаги мулоҳазаларимни ҳам билдирмоқчиман. Вилоятлардаги олий ўқув юртларига Тошкент ва бошқа давлатларнинг марказий олий ўқув юртларидан юқори малакали олимларни, профессор-ўқитувчиларни тез-тез кўпроқ жалб этиш тўғри иш бўлур эди. Бунинг учун таклиф этилаётган олий ўқув юртларининг раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор ва ёрдам беришлари зарур.

Яна бир муҳим тадбир — бу ҳам бўлса келажакда Фарғона ва Зарафшон водийларида, яъни Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида Ўзбекистон Фанлар академиясининг бўлимларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Т. САРИМСОҚОВ,
академик.

ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали мутахассис ва илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш, республикамизнинг барча минтақаларини улар билан янада тўлароқ ва бир текисда таъминлаш борасидаги ғамхўрлиги ҳар биримизни мамнун этди. Бу «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 10 март сонида «Ўқиш ва тарбия — асосий масъулият» сарлавҳали мақолада кенг, тўла очиб берилган.

Мен республикамиз олий ўқув юртларининг кекса ўқитувчиларидан биримман. Қирқ йилдирки, Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ишлаб келмоқдаман. Улуғ Ватан урушидан сўнгги оғир йилларда республикада маҳаллий кадрлар тайёрлаш мақсадида талабалар излаб районма-район, қишлоқма-қишлоқ юрардик. У даврларда техника соҳасида вилоятларда олий ўқув юртлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам илм-маърифатни тарғиб-ташвиқ қилиш, янги техника-технология ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш амримаҳол эди.

Бугунги кунда барча вилоятларда янги университетлар, институтлар ва бўлимларнинг очилиши, мавжудларининг янада кенгайтирилиши ғоят қувонарлидир.

Ўйлайманки, келажакда барча вилоятларнинг ўзида етук мутахассислар етишиб чиқади. Мустақил давлат бўлган Ўзбекистонимиз илм-маърифатли, энг ривожланган республикалардан бирига айланади.

Ш. ИСҲОҚОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, техника фанлари номзоди, доцент.

МАКТАБДА НАВРЎЗ

Тошкент шаҳри, Октябрь районидаги Ойбек номли 115-мактабда «Наврўз» байрами зўр қизиқиш билан ўтди. Унда Тошкент метрополитени — оталиқ ташкилотидан, маҳаллалардан, ота-оналар ва фахрий ўқитувчилар иштирок этишди. М. Муҳамедов раҳбарлигидаги Телерадио давлат компаниясидан кўплаб санъаткорлар меҳмонимиз бўлишди.

Катта залга кирган киши ўзини худди баҳор тонгида юргандек ҳис этади. Ўрик, бодом, шафтоли гуллари, баҳор чечаклари, варраклар, нақш тўгараги аъзоларининг ишлари ва миллий каштачиликнинг нафис санъати билан безатилган. Айниқса юқори синф ўқувчилари кучи билан турли майсалардан тайёрланган ҳар хил пишириқлар дастурхонни безаган. Наврўз байрами «Сумалак» пишириш билан бошланди.

Айниқса, ўзбек урф-одати бўйича «Келин саломи» «Чақалоқни бешикка белаш маросими», «Она алласи» «Ким олади» ҳазил ўйинлари, қўшиқлар, жозибали ўйинлар, лапарлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. «Келинлар қўзғолони» спектаклидан парчалар ҳам намойиш этилди.

Кеча охирида мактаб директори Н. Иброҳимов ғолибларга мукофотлар ва эсдалик совғалари топширди.

И. АВАЗОВА,
ўқувчи.

Кимсанхон ая Ғаффорова номини Наманганда Заркент маҳалласи аҳли ҳурмат билан тилга олади. Пайғамбар ёшини қаршилаган бу онахон уч ўғил, беш қизни вояга етказиб, 42 набира, 8 эваранинг бувиси бўлиб турибди. Қари билганни пари билмас, дейишади. Кимсанхон ая Фарғоний номли 19-ўрта мактаб ўқувчи ёшлари билан учрашиб, аҳлоқ-одоб борасида суҳбатлар ўтказиб туради.

СУРАТДА: Кимсанхон ая ўқувчилар даврасида.

Суратқаш П. АКБАРОВ.

• ТОШКЕНТ МИНТАҚАСИДАН БИР НАЗАР

ТАЛВАСА

Бу гал «Литературная газета» талвасага тушиб қолди: «Бизга маълум бўлишича, — деб ёзади у, — Ўзбекистон Президенти Туркистон ҳарбий округини тугатиш ҳақидаги махфий Фармонга имзо чеккан. Ушбу Фармонга мувофиқ ҳарбий округ қисмларининг жанговор техникаси ва бошқа мол-мулкини Ўзбекистон Республикасининг мудофаа вазирлигига бериш кўзда тутилади».

Энди Мудофаа вазирлиги уларни нима қилармиш, денг? Сотармиш! Хатто Тошкент биржасида сиртдан савдо-сотиқ бошланиб кетибди! Ё фармони қодир худо, шунақаси ҳам бўларкан-да? Ҳозирнинг ўзида Ми-98 ҳарбий вертолётларидан 40 таси «Т-62» танкларидан 70 таси, «Т-55» танкларидан 21 таси сотилиб кетибди. Айниқса, «ураган» блокли шатакчиларга харидорлар кўп хуштор эмишлар... Савдодан тушган пуллар ҳукумат ҳисобига ўтказилиб, бу ишларнинг ҳаммасига Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири Р. Аҳмедов балогардон эмиш. Хабарни ўқиган киши ёлғон ҳам эви билан-да, деб юборади.

Шундай хаёл билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари комитетининг раиси В. Р. Ниёзматовга сим қоқдик.

— Ё тавба — деди у, — турган-битгани бўхтон-ку!

— Балки Туркистон ҳарбий округидагилар билишар?

— Қўмондонликка телефон қилиб кўринг, — маслаҳат берди Вилор Раҳматуллаевич.

— Энди шу етишмай турувди, хабарда айтилган ҳарбий техника — «Т-55» танки Туркистон ҳарбий округида мутлақо йўқ, — деди Туркистон ҳарбий округи қўмондони ўринбосари, Тошкент гарнизонининг бошлиғи генерал Р. Э. Хадирбоев. — Афсонавий бомбардимончилар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги қўшинларида Ми-98 вертолётлари умуман йўқ. Бундан ташқари Тошкент биржасида ҳарбий техникани сотиш ҳеч кимнинг хаёлига келган эмас.

Афтидан, хабар муаллифи ва умуман «ҳурматли» рўзнома жамоаси нафақат ҳарбий билимлардан, айни вақтда жуғрофиядан ҳам бехабар қўринади. Акс ҳолда, улар собиқ Иттифоқ харитасига назар ташлаб, Бойсун шаҳри Сурхондарё вилоятининг энг ичкарисида, чегарадан жуда узоқда, бориш қийин бўлган тоғли районда жойлашганини кўрган бўлур эдилар. Темир йўл қайда дейсиз.

— Биласизми, — деб давом этди Румил Эргашевич, — МДҲ Қуролли Кучлари қўмондони, авиация маршали Е. Шапошниковнинг буйруғи бор: Қурол-яроғ, жанговар техника ҳеч кимга, ҳеч ерда берилмайди ҳам, сотилмайди ҳам. Хатто округимиз ҳудудида хизмат қилаётганларга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам махсус рухсатнома билан қатъий назорат остида юборилмоқда.

Шундан кейин Мудофаа ишлари вазирлигимизга мурожаат қилдик. Вазирнинг хизмат топшириқларини бажарувчи подполковник Б. Солиев билан гаплашдик.

— Қип-қизил ёлғон гап, — деди у. — Вазир муовини А. Б. Холматов билан ҳам гаплашиб кўрингчи...

— Алхазар, нима бу? Жон чиқар олдидаги талвасами? — деди ҳайратланиб вазир муовини. — Йўлга чиққан карвон ортидан лайчанинг ириллашидек гап бўпти. Менимча, бу гаплар Мудофаа вазирларининг Киевдаги кенгаши олдидан атайин тўқиб чиқарилган.

Бўхтон хабар Москвадаги баъзи оммавий ахборот воситалари мустақил Ўзбекистонга қарши авж олдирган ва олдираётган ишларнинг давоми кўринади. Улар мустақил мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни беқарорлаштиришга, Туркистон ҳарбий округи ҳарбий хизматчилари билан аҳоли ўртасида нифоқ келтириб чиқаришга ҳали ҳам уринаётганга ўхшайдилар.

Этакни кессанг енг бўлмас, деганлари шу эмасмикин?

Баҳодир АБДУЛЛАЕВ,
(ЎзА мухбири.)

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«АМИР ТЕМУР ТАРИХИ»

Тошкентдаги «Меҳнат» нашриёти жумҳуриятимизда биринчи бўлиб ғоятда хайрли ишни амалга оширди. Ўз даврининг етук тарихнависи, адиби, шоири ва фиқҳ олими Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» («Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур») китобини чоп этди.

Асл исм-шарифи Шаҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим бўлган ибн Арабшоҳ 791 ҳижрий йилда (1389 йил) Сурияннинг Дамашқ шаҳрида туғилган. У 1401—1408 йилларда Самарқандда яшаган. Ундан ортиқ тарихий-бадиий асарлар унинг қаламига мансуб. Ана шу

асарлар орасида «Ажоиб алмақдур» алоҳида диққатга сазовордир. Бу асар муҳим манба сифатида дунёнинг бир қанча тилларига таржима қилинган.

Соҳибқирон Амир Темур ва у ҳукмронлик қилган давр ҳақида кўплаб тарихий асарлар яратилган. Улар муаллифларнинг нуқтаи назари ва Темур шахсига муносабатига кўра бир-биридан фарқ қилади. Ибн Арабшоҳнинг ушбу асари эса, муаллиф гувоҳ бўлган, ўзи бевосита иштирок этган воқеаларни тасвирлагани билан ғоят муҳим тарихий аҳамиятга эгадир.

Китоб икки жилддан иборат. Биринчи жилдда соҳибқироннинг болалиги, Самарқанд тахтини эгаллашидан вафотига қадар бўлиб ўтган воқеалар тасвири ўрин олган. Иккинчи жилдда Амир Темурнинг вафотидан кейинги давр воқеалари, тожтахт учун талашлар баён этилади. Изоҳлар, жуғрофий жойлар ва исмлар кўрсаткичи асарнинг иккинчи жилдида берилади.

Бу тарихий асарни таниқли олим, филология фанлари номзоди Убайдулла Уватов араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, нашрга тайёрлади. Ҳозирча кенг китобхонларга «Амир Темур тарихи»нинг биринчи жилди ҳавола этилмоқда.

• ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

САҲНА САНЪАТИ БАЙРАМИ

Юртимизда ҳали Наврўз тантаналари сусайгани йўқ. Байрам садолари ҳамон олис-олис шаҳар ва қишлоқлардан баралла эшитилиб турибди. Шундай завқли дамларда ўлкамизга яна бир Наврўз ташриф буюрмоқда. Бу туркий халқларнинг қадимий, ҳаётбахш ва илҳомбахш байрамига ҳавас қилиниб номланган Наврўз театр фестивалидир. Аввал Олмаотада бошланган, сўнг Бишкек, Душанбеда давом эттирилган бу анжуман энди Тошкентда ўтади.

Шу воқеа арафасида биз фестивални ўтказиш Ташкилий қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон маданият ишлари вазири Н. Ё. ҒОЙИБОВ ҳузурида бўлиб, у кишига бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— **Наим Ёвқочевич, қардошларимиз ҳузурида оқ фотиҳа олган анжуман тўртинчи марта ўтказилмоқда. Демак, фестиваль том маънода аҳананавийлик касб этиб, беш йилдан бери изчил ишлаб келяпти. Шундай экан, унинг аҳамияти, фаолияти ҳақида бемалол дастлабки хулосаларни чиқарса бўлади. Шундай эмасми?**

— Тўғри, учта фестиваль оз эмас, қолаверса, беш йил ҳам кичик бўлса-да, ўзига хос бир давр. Ҳеч иккиланмай хулосалар чиқарса бўлади.

Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоизки, анжуман энг аввало қўшни, тили-тилига, дили-дилига туташ халқларни бир-бирларига тобора яқинлаштиришга фаол хизмат қилмоқда. Бир жумҳурият аҳли дўст республика маданияти янгиликларидан воқиф бўлмоқда. Саҳна санъатида рўй бераётган характерли изланишлар ўзга юртлар маданият арбобларини ҳам илҳомлантирмоқда. Муттасил ижодий тажриба алмашилмоқда. Энг муҳими, миллий бадиий маданиятларни тарғиб қилишда фестиваль кутилганидек фаолият кўрсатяпти. Ҳозирги ўзгаришлар, изланишлар, ислоҳотлар даврида эса, бундай фаолият, ёрдам нечоқлик зарур ва қимматли эканлигини изоҳлаб ўтирмаса ҳам бўлади.

— **Энди ташкилий қўмита раҳбарлигида фестивалга кўрилган тайёргарлик ҳақида қисқача гапириб берсангиз.**

— Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров бошчилигида ўз вақтида тузилган Қўмита режалаштирилган барча ишларни амалга оширди.

Биринчи навбатда анжуман спектакллари намойиш этиладиган театрлар тайёргарлиги таъминланди. Ана шу саҳна масканларини ремонт қилиш ишларига қарийб етти юз минг сўм сарфланди. Ҳозир театрлар тантанани қутиб олишга муносиб қилиб безатиб қўйилибди. Иккинчидан, Тошкент шаҳрининг тайёргарлигига алоҳида эътибор берилди. Фестивалнинг иштирокчилари ва меҳмонларига хизмат қилиши керак бўлган меҳмонхоналар ва концерт заллари ҳам аниқ, улар аллақачон тараддудни кўриб қўйишган. Ҳалқаро анжуман репертуарига ҳавола қиладиган спектакларни аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси билан ҳамкорликда «Наврўз арафасида» деган фестивални анча барвақт ўтказдик. Натижада ғолиб деб топилган ижодий жамоалар спектакларига тағин ҳам сайқал беришга улгурдилар. Ижрочилик маҳоратини янада оширдилар.

— **Ҳар йили ўтказилиб келинаётган фестиваль бизнинг навбатимиз келганда икки йилда ўтяпти. Бунинг боиси нимада?**

— Тўғриси, бир йиллик муддат ниҳоятда қисқа муддат. Ўн икки ой ичида камдан-кам ҳолларда воқеа бўладиган асарлар саҳнага чиқади. Ижодий мусобақанинг асосий шартларидан бири шундаки, унда миллий бадиий маданиятларда йирик изланишлар сифатида қутиб олинган, воқеа деб баҳоланган спектакллар кўрсатилиши керак. Шуларни ҳисобга олиб, биз дўстларимизга бир йилда эмас, икки йилда бир марта шундай тадбирни ўтказсак, деган таклифни айтдик.

— **Анжуманнинг асосий мезбонлари, яъни уни ўтказувчилар сафига Ўзбекистон маданият ва умумнисоний қадриятлар халқ академияси ҳам қўшилибдими?**

— Номидан кўриниб турибди: бу ташкилот маданиятпарвар, қадриятпарвар академия. Шундай экан, унинг Маданият ишлари вазирлиги ва Театр арбоблари уюшмаси ташвишларига шерик бўлиши мантиқан тўғридир. Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳозирги тақчиллик шароитида, танқислик ҳолатлари ҳар қадамда рўбарў келиб турган бир даврда бизга Академиянинг ёрдами керак бўлиб қолди. Унинг ажойиб раҳбарияти, жамоаси иқтисодий жиҳатдан кўмаклашишни ўзлари учун шараф деб билиб, сафимизга қўшилишди. Биз, уларга фақат ва фақат миннатдорчилик билдирамиз.

— **Ўзбекистон номидан анжуманда кимлар қатнашишини ва қандай спектакллар кўрсатилишини аниқлаш ҳамма учун қизиқарли бўлади. Шунинг учун республикамиз саҳна санъатининг иштироки тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Маълумки, Олмаота, Бишкек, Душанбе шаҳарларида ўтказилган олдинги ижодий беллашувларда бизнинг вакилларимиз ғолиб чиқишган. Ана шу ғолиблик масъулияти бизни бу галги фестивалга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга даъват этади. Буни яхши тушунган театр арбобларимиз иложи борича баркамол асарлар яратишга интилдилар. Натижа ёмон бўлмади. Миллий саҳна санъатимизда «Искандар», «Тошкентга саёҳат»дай пишиқ-пухта, ҳар томонлама етук спектакллар пайдо бўлди. Биринчи асар Алишер Навоийнинг машҳур «Садди Искандарий» достони асосида саҳналаштирилган. Таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида тайёрланган бу спектакль Ҳазрат Мир Алишернинг муборак тўйига муносиб совға бўлди. Асар қардошларимизни ҳам мафтун этса керак.

Иккинчи спектакль Фарғона театрида саҳна юзини кўрган. Унинг режиссёри Олимжон Салимов «Темир хотин» спектакли билан Халқаро Наврўз анжумани иштирокчиларини хурсанд қилганлигини ҳамма билади. Ҳамза асари асосида яратилган бу спектаклдан ҳам умидимиз катта.

Учта спектаклимиз фестиваль дастуридан ташқари намойиш этилади.

— **Санъат мухлислари қўшни республикалардан ташриф буюрадиган театр жамоаларининг қандай спектакларини томоша қиладилар?**

— Қозоғистоннинг Мухтор Авезов номидаги Академик драма театри довруқли ижодий жамоа. Унинг спектакларини кўплаб чет мамлакатлар томошабинлари ҳам кўришган. Театр ҳалқаро кўрик-танловларда бир неча бор ғолиб деб топилган. Унда театр ва кино санъатига катта ҳисса қўшаётган машҳур актёр-актрисалар хизмат қилишади. Ана шу ижодий жамоа Чингиз Айтматов асари асосида ишланган «Асрга татигулик кун» драмаси билан келмоқда.

Тожикистоннинг Лоҳутий номидаги драма театри ёзувчи Н. Абдуллаевнинг «Чолнинг эртаклари» («Мен —қотилман») асарини саҳнага қўйганида ҳатто Москва рўзномалари ва радиолари ўз фикрларини билдиришган. Тожик миллий санъатида янгича изланиш деб эътироф этилган бу асарни дўстларимиз Халқаро анжуман дастурига тавсия этдилар. Қирғизистон Академик драма театри миллий Манасномага янги саҳифа ёзди. Унинг Д. Содиқов асари асосида ишланган «Айкул Манас» («Ажойиб Манас») спектакли давр муаммоларига фаол муносабат билдирганлиги билан характерли.

Туркманистонда Давлат ёшлар тажриба театри фаолият кўрсатаётганини санъат мухлислари эшитишган бўлишса керак. Ана шу жамоа ўзининг «Дэли Домрул» деган асарини катта ниятлар билан, айтиш мумкинки, дадиллик билан Халқаро фестиваль дастурига ҳавола қилди.

Юқорида айтиб ўтилган асарлар орасида замонавий мавзуга бағишланган, айни вақтда тарихий ҳикоятларни тараннум этган спектакллар бор. Энг муҳими, уларнинг темаси ранг-баранг, ижрочилик талқинлари турлича.

— **Ғолиб ижодий жамоаларни, спектакларни, ижодкорларни қандай мукофотлар кутмоқда?**

— Энг яхши асар деб топилган спектакль муаллифлари Бош мукофот («Ғран при») билан тақдирланадилар. Шунингдек, биринчи, иккинчи, учинчи мукофотлар ҳам ўз эгаларини кутяпти. Спектаклни ҳар томонлама пишиқ-пухта, янгича изланишлар билан саҳналаштирган ижодкорга «Энг яхши режиссёрлик иши учун», саҳнани жозибали, сермазмун безаган мўйқалам соҳибига «Энг яхши рассомлик иши учун», хотин-қизларнинг образини тўлақонли, илҳомбахш, чиройли талқин қилган актрисага «Аёл ролининг энг яхши ижроси учун», ота-боболаримиз, ака-укаларимизнинг сиймосини ёрқин бўёқларда акс эттириб, янгича чизгилар билан томошабинга етказган артистга «Эркак ролининг энг яхши ижроси учун» деган совринлар берилади. Бир қатор жамоат ташкилотлари, баъзи ижодий уюшмалар ўзларининг махсус совринларини таъсис этишмоқчи.

— **Фестиваль спектакллари Тошкентдаги қайси театрларда намойиш этилади?**

— Асосан Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма, Муқимий номидаги мусиқали, Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрларида кўрсатилади.

— **Анжуман дастури фақат спектакллар кўрсатишдан иборат бўлмаса керак?**

— Тўғри, қардош республикалардан ташриф буюрадиган дўстларимизни учрашувлар, мулоқотлар, ҳамкасблари билан ўзаро алоқа ва ҳамкорликни янада равнақ топтириш тўғрисида фикр алмашувлар, режаларни ўртоқлашувлар қутмоқда. Меҳмонлар ва анжуман иштирокчилари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қиладилар. Фан ва маданият арбоблари билан учрашадилар. Хуллас, анжуман маданият байрами сифатида давом этади.

— **Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига тилакларингиз?**

— Биринчи навбатда ҳозирги қийин шароитларда театр санъатининг равнақи учун курашишда, репертуар изланишларида, саҳна маданиятини халққа яқинлаштиришда ҳозиргидан ҳам пухта ядиллик, ҳамнафаслик ва ҳамкорлик тилайман. Шундай қутлуғ ишда Наврўз фестивалининг ҳиссаси янада пойдор бўлсин!

Суҳбатдош Юсуф БЕРДИЕВ.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

ЖУМА, 27

● УзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Ботир Зокиров». Фильм-концерт. 9.05 «Футболдан оғиз очманг». Бадиий фильм. 10.10 «Ёшлик». 11.00 «Муҳофаза». 18.00 Янгиликлар. 18.10 «13-рақамли шайтонча». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Бастакор Мухторжон Муртазоев». 19.55 «Мулоҳаза». «Озодлик обидаси қандай бўлади?». 20.20 Ҳалқаро театр куни. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг «Наврўз-92» фестивали. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Санъат усталари. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қидирова». 21.55 «Сиз кутган дақиқалар». Ёқуб Аҳмедов. 22.25 «Фитна». Бадиий фильм.

● УзТВ II

17.05 АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильм. 8.35 Мультфильм. 8.45 Қадимий саҳий эртаклар. «Қора товуқ ёки ер остида яшовчилар». 10.00 «Эфирда мусиқа». 12.00 Янгиликлар. 12.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 13.05 Мультфильм. 13.15 «Саёҳатчилар клуби». 14.15 «Ён дафтар». 14.20 «Бридж». 14.25 «Бизнес-класс». 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Қўшиқ шинавандасига совға». 15.55 «Ғолиблар». 16.40 Мультфильм. 17.10 «Рок-сабоқ». 18.00 Янгиликлар. 18.25 «Инсон ва қонун». 19.05 «Бекатда». Телевизион бадиий фильм премьераси. 19.35 «Театр учрашувлари». 20.45 Хайрли тун, кинкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 «ВИД» таништиради. Танаффус пайтида — 24.00 Янгиликлар. 02.45 Волейбол. Россия чемпионати.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Инглиз тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, суратга олаяпман». 10.05 Инглиз тили. 10.35 «Эскулап». 10.45 «Бешинчи ғилдирак». 12.30 «Қизил гул». Бадиий фильм. 13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

16.15 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильм. 16.55 «Простор +». 17.25 Ўсмирлар учун спорт кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.20 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.35 «Ўхшаш дунёлар». 19.20 «Версия». 19.35 Ҳалқаро театр кунига. 20.45 «Ҳар бир кун байрам». 20.55 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб». 21.10 Мультфильм. 21.20 Долзарб камера. 22.00 Хабарлар. 22.20 Мстислав Ростропович таваллудининг 65 йиллигига. 22.40 Парламент хабарномаси. 22.55 «Бизнинг экспертиза». 23.35 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 00.05 «Пепси стилида мусиқа».

СПОРТ

ФАХРИЙЛАР БАҲСЛАШГАНДА

● **МЕҲНАТ фахрийлари ўртасида волейбол бўйича Тошкент шаҳар очиқ биринчилиги ўтказилди.**

Биринчи ўрин Киров район терма жамоасига насиб этди. Саноат қурилиш тресті кекса волейболчилари иккинчи ўринни эгаллашди. Кекса ҳарбийлардан иборат жамоа эса ғолиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилди. Аёллар ўртасида Тошкентдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқитувчилари маҳорат кўрсатишди. Олий ўқув юртларининг ўқитувчиларидан иборат терма жамоа эса иккинчи бўлди. Республика спорт комитети кекса ходимлари фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Энг яхши ўйин кўрсатган Г. Тюриков, В. Кучеров, В. Устименко, В. Чесноков, Л. Бубка, Н. Шульгаларга алоҳида совға берилди.

ЯКУНЛОВЧИ УЧРАШУВЛАР

● **ФУТБОЛ бўйича «Пахтакор»-79» хотира-соврини учун ўтказилган анъанавий баҳс иштирокчилари ўртасида финалчилар аниқланди.**

Ярим финал ўйинлари «Навбаҳор» — «Сўғдиёна» (2:1), «Пахтакор» — «Косонсойчи» (0:1) жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Шундай қилиб 11 август куни ҳал қилувчи учрашувда «Навбаҳор» ва «Косонсойчи» жамоалари майдонга тушадиган бўлди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент Давлат Иқтисодиёт доирилфунуни жамоаси «Фалсафа» кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди Э. Х. Расуловга отаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Ҳасан Ғафурович РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр доирилфунуни ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти фалсафа кафедрасининг собиқ мудири

Ҳасан Ғафурович РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№ 61.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—20.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.